

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ

*Ўқув қўлланма бакалавриат 5340800 – «Солиқлар ва солиққа  
тортиш» таълим йўналишида ўқиётган олий таълим  
муассасалари талабалари учун мўлжалланган.*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2010

УДК: 336.225.3

67

Т-71

**Ш.Тошматов, Х.Кои́ке, С.Боймуродов, Н.Норбоев, А.Жўраев.** Солиқ тўловчилар билан ишлаш. / Ўқув қўлланма. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010 – 112 б.

Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистонда солиқ тўловчилар билан ишлашдаги жараёнлар ҳамда бу борада Япониянинг илғор тажрибаси баён этилган.

**ББК 67+65.9(5Ўзб)**

**Тақризчилар:**

**А. С. ЖЎРАЕВ,**

иқтисод фанлари доктори, профессор.

**А. УСАНОВ,**

иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Ш. МУСАЛИМОВ,**

Давлат солиқ қўмитасининг бўлим бошлиғи.

*Мазкур ўқув қўлланма Солиқ академияси  
Миллий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган  
(6.07.2010 11/10/1-сон баённомаси)*

ISBN 978-9943-08-650-0

© Ш. Тошматов, Х.Кои́ке, С.Боймуродов, Н.Норбоев, А.Жўраев.  
Солиқ тўловчилар билан ишлаш. «Янги аср авлоди» нашриёти. 2010 й.

## КИРИШ

Солиқларнинг пайдо бўлиш тарихи давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ. Давлат ўзининг вазифаларини бажариши ва давлатчиликни сақлаб туриши учун зарур бўлган пул маблағларининг манбаси сифатида солиқлардан у ёки бу шаклда азал-азалдан кенг фойдаланиб келган. Солиқлар ва улар билан боғлиқ бўлган муносабатлар дастлабки ёзма манбаларнинг пайдо бўлишидан бошлаб, то ҳозирги кунларгача ҳукумат вакиллари, солиқ йиғувчилар ҳамда солиқни тўловчилар ўрта-сидаги қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган.

Давлатнинг пайдо бўлиши ва солиқларни юзага келиши билан дастлаб аҳолидан натура кўринишидаги солиқлар ундирилган. Илк солиқлар тизимсиз кўринишда бўлиб, аҳоли солиқларни экинлар ҳосилидан, савдо-сотиқдан ҳамда овлаган ҳайвонлардан тўлаганлар. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида аҳолидан натура кўринишидаги солиқлар яъни хирож ундирилган бўлиб, солиқларнинг асосий объектлари дон ва гўшт маҳсулотлари бўлган.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши солиқларни ҳозиргидек пул кўринишига олиб келган. Илгари солиқлар, асосан, чегара ва қўшин эҳтиёжларига, шаҳар атрофини мустаҳкамлашга, йўл ва ибодатхона қурилишига йиғилган бўлса, вақт ўтиши билан солиқлар давлат хазинаси даромадларининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодий соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар, асосан, солиқ солиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бунда солиқларнинг фискал ва назорат функцияси билан бирга, рағбатлантирувчи функциясидан кенг фойдаланиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш муҳимдир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти «Солиқ органларининг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки, энг муҳими, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида

солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборатдир», деб таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, солиққа тортиш муносабатларида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб бориш улар томонидан солиқ соҳасидаги қонун бузилишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ тўловчилар билан ишлаш самарадорлигини оширишда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш яхши самара беради. Шу муносабат билан мазкур ўқув қўлланма Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) томонидан таъсис этилган «Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш» Лойиҳаси доирасида япониялик етук мутахассислар билан биргаликда муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланма камчиликлардан ҳоли эмас, ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашган китобхонларга олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

## **1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Солиқлар ҳар қандай давлатнинг қарор топиши ва амал қилишининг объектив зарурияти ҳисобланади. Ушбу объектив зарурият унинг моҳиятини белгилаб беради. Солиқларни таърифлашда дунё, жумладан мамлакатимиз олимларида ҳам умумийлик ва хусусийлик мавжуддир. Мухтасар айтганда, солиқлар давлатнинг мавжуд бўлиши учун зарурият бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият тузилмаларини молиявий таъминлаш, шунингдек давлат зиммасига олган вазифаларни бажариш мақсадида ўрнатилган ставкаларда мажбурий тарзда ундириладиган ҳамда уни тўловчиларга якка тартибдаги эквивалент ҳуқуқни бермайдиган тўловлар ҳисобланади.

Ҳозирги босқичда солиқлар воситасида давлат даромадининг асосий қисми ҳосил қилинади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита қуроли ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг корхоналарни солиққа тортиш тизимига ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий жиҳатдан асос солинди. Ўтган давр давомида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, солиқ сиёсатида унга мос ўзгаришлар юз берди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, охириги йилларда солиқ сиёсатида кўпроқ кичик тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва корхоналарнинг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бермоқда, кичик тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши кескин ошишига эришилди, корхоналар ихтиёрида қоладиган фойданинг ўсишига имконият яратилди, корхонанинг инвестицияга йўналтирилган маблағлари кўпайди. Масалан, 2009 йилда иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди ва солиқ имтиёзлари ва преференция-

лари бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди.<sup>1</sup> Агар охириги 12 йиллик даврга назар соладиган бўлсак, республикаимизда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) мунтазам реал ўсишига эришилганлигини, 2002 йилдан бошлаб солиқ тушумларида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлганлигини кўришимиз мумкин.

1-диаграмма

**Ўзбекистонда Ялпи ички маҳсулот ва бюджет даромадлари ўсиш суръатлари ҳамда солиқ юкининг ўзгариш динамикаси<sup>2</sup>**



Мамлакатимизда 1998–2003 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 3,8 фоиздан 4,4 фоиз атрофида ташкил этган бўлса, 2004–2009 йилларда бу кўрсаткич 7 фоиздан ошиқ бўлган, 2007 йилда энг юқори ўсиш суръати – 9,5 фоизга тенг бўлган. 2008–2009 йилларда жаҳонда юз берган молиявий инқироз туфайли ЯИМнинг ўсиш суръатлари мос равишда 9,0 % ва 8,1 % ни ташкил этган. Бюджет даромадларида 2002 йилдан бошлаб ўсиш тен-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз–ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.:«Ўзбекистон», 2010. 41-50-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосидаги ҳисоб-китоблар.

денцияси кузатилган, бу солиқ ислоҳотлари ўз самарасини бера бошлаганлигидан далолат беради, солиқ юки бу йилларда устун даражада пасайишига қарамасдан (фақат 2008 йилда ошган) солиқ солинадиган базанинг кенгайиши ҳисобига бюджет даромадларининг реал ўсишига эришилган. Мустақилликдан кейинги даврда солиқ тизимида юз берган ислоҳотлар ва ўзгаришларни тадқиқ этганда, солиққа тортиш тизимининг мамлакатимизда ривожланишини қуйидаги тўрт босқичга бўлиш мумкин:

**Биринчи босқич 1992–1994 йилларни қамраб олади.** Республикада сиёсий ва иқтисодий тартибнинг ўзгариб кетиши, унинг мустақилликни қўлга киритиши давлат ўз вазифаларини тўлақонли бажариши учун катта миқдордаги молиявий маблағ тўпланишини тақозо қилди. 1992 йилда биринчи марта давлат бюджетини четдан дотация ва субвенция олинмасдан тузиш зарур бўлди. Шундан келиб чиқиб, бошланғич босқичда солиқ тизими ижтимоий-иқтисодий йўналишга эга бўлган бюджет даромад ва харажатларининг тенглигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал қилишга қаратилган эди. Уни республикада ишлаб чиқариш ҳажми бир мунча тушиб кетган шароитда, юқори инфляция пайтида ва давлат молия соҳасидаги ўта оғир бир вазиятда амалга оширишга тўғри келди. Юзага келган бу вазият, билвосита солиқларга асосланган солиқ тизимининг фискал вазифасидан кенг фойдаланишни тақозо этарди. Солиқ тизимини ишлаб чиқишда, унинг нисбий барқарорлигини таъминлашнинг яқин истиқболда имкони йўқлиги ҳисобга олинди, амалдаги ҳақиқий иқтисодий муҳитга боғлиқ равишда унга янги-янги элементлар киритилиб борилди, уни ташкил қилувчи бошқа элементлари эса ўз кўринишини ўзгартириб борди.

Мамлакатимизда 1992 йилда мол-мулк солиғи ва бошқа қатор ресурс солиқлари жорий этилди. Шунингдек, жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ялпи йиллик даромадга кўра ҳисобланадиган бўлди. Солиқ тизими шаклланишининг мазкур босқичида ижтимоий характердаги мақсадли фондлар бюджетдан ташқари фондларга ажратилиб, уларга мустақил тушумлар манбалари бириктирилди, бу эса кўпгина ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги замон амалиётига хос эди. Бироқ бу саъй-ҳаракатлар реал солиқ юки камайишига олиб келмади.

Аммо таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда шаклланаётган солиқ тизими юқори мослашувчанлик хусусиятига эга бўлиб,

такомиллашув ва давлат молиясини шакллантириш борасидаги вазифаларни ҳал қилиш имконини берди. Давлат бюджетининг тақчиллигини камайтириш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ресурс тўловлари ҳамда сув учун тўлов жорий этилди, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишнинг янги механизми киритилди. Бироқ, амал қилаётган белгиланган аниқ миқдорга нисбатан солиқ ставкаларининг ундирилиш механизмида йил давомида иш ҳақининг бир неча марта ошиши солиқ тўловчиларга максимал солиқ ставкаларидан қочиш имконини берди, бу эса, ўз навбатида амалда прогрессив солиққа тортиш тамойили бузилишига олиб келди.

Ушбу даврда солиқ ислоҳотининг яна бир сезиларли муҳим натижаси бўлиб, оборот солиғи ва сотишдан солиқ ўрнига қўшилган қиймат солиғининг киритилиши ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғи жорий қилинишининг асосий сабаблари, биринчи навбатда, унинг давлат бюджетига даромадлар тушумининг тенглигини таъминлаши бўлса, иккинчидан, бозор муносабатларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган бюджетни тузишнинг барқарор ва кенг базаси ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқариш ва тақсимлашдан тортиб истеъмолчига сотишгача бўлган жараёнда ҳар бир сотиш ҳужжатидан олинadиган билвосита кўп поғонали солиқ бўлиб, унинг объекти қўшилган қиймат, яъни товарлар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар бажарувчи томонидан янги буюм ёки хизматни бажариш учун сотиб олинган хомашё, материаллар ёки товарлар ва маҳсулотлар қийматига қўшилган қиймат ҳисобланади. Ушбу солиқ товар нархининг барча унсурларини чеклайди ва ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришга ундайди.

Қўшилган қиймат солиғи унинг ўрнида илгари амалда бўлган оборот солиғи ва сотишдан олинadиган солиқлардан бир қанча афзаллиги билан фарқ қилади, биринчидан, ҚҚСда товар солиғини уни ишлаб чиқарувчига ўтказиш осон кечади, иккинчидан, ҳисобварақ-фактура базасидаги ҚҚС солиқ тўловидан бўйин товлашдан ишончлироқ ҳимояни таъминлайди.

Биринчи афзаллигини кўриб чиқайлик. Пировард истеъмолчиларга ҳам, оралиқдаги корхоналарга ҳам сотилadиган товарлар ва хизматлар ҚҚСга бирмунча осонроқ мослашади. Чунки корхона бундай товарларни сотиб олаётганда тўланган ҳар қандай солиқнинг ўрнини қоплашга ҳаракат қилади. ҚҚСни тўлаш



чоғида товардан пировардида қандай фойдаланилишини текширишга зарурат бўлмаганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқарувчининг бинокорлик материаллари, ёнилғи ва энергия ҳамда шу каби товарларни олдин улар тўлаб келган солиқлардан озод қилиш осон бўлади.

ҚҚС товар ёки хизмат нимага мўлжалланганидан қатъи назар тўланаверади, харидор эса ҚҚСни қайтариб олиш учун солиқ идораларига бунга ҳақли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар(ҳисобварақ-фактуралар)ни тақдим этиши лозим. ҚҚСнинг бу афзаллиги кўпинча шахсий фойдаланиш учун, бизнесда ёки экспорт учун дарҳол фойдаланиш мақсадида кўрсатиладиган хизматларга солиқ солиш чоғида, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи афзаллиги қуйидаги қоидалар билан мустаҳкамланади:

- ҚҚСдан бўйин товлаш осон эмас, чунки ҳисобварақ-фактураларга қараб товар ҳаракатини аниқлаш осон, нега деганда сотувчи ўз харажатларини қоплаш мақсадида солиқ қайтариб берилиши учун буни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши керак;

- ҚҚС қўлланилиши нархни сохталаштириш мақсадида харидор билан сотувчи ўртасида тил бириктириш имкониятини йўққа чиқаради, чунки агар харидор солиқ хусусида кўпроқ чегирмага эга бўлиш учун ҳисобварақ-фактурада нарх юқори даражада кўрсатилишидан манфаатдор бўлса, сотувчи ўз солиқ мажбуриятини камайтириш учун нарх мумкин қадар арзон кўрсатилишидан, демак, камроқ солиқ тўлашдан манфаатдордир.<sup>3</sup>

Бу билвосита солиқ тури Фарбий Европадаги хорижий давлатларда бозор иқтисодиёти шароитида синаб кўрилган, натижада у бюджет даромадларини шакллантиришнинг ишончли манбаи сифатида ўзининг қулай ва самарали эканлигини исботлаган.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси дунё мамлакатларида белгиланган миқдордан юқори даражада, яъни 30 % ставкада жорий қилинди,<sup>4</sup> шунингдек солиққа тортиш соҳасини ва доираси-

---

<sup>3</sup> Тошматов Ш.А. Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи. Монография. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти, 2004. 45-б.

<sup>4</sup> Гатаулин Ш.Қ. Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: Давлат солиқ қўмитаси, 1996. 129-б.

ни аввалги амалдаги солиқларга нисбатан сезиларли даражада кенгайтирди. Агар илгари оборот солиғи билан саноат товарларининг 46,5 %, халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат товарларининг 28,4 % солиққа тортилган бўлса, қўшилган қиймат солиғи эса ҳамма хизмат ва товарларни ўз ичига олади. 1992 йилда қўшилган қиймат солиғидан тушум жами солиқ тушумларининг 31,89 % ни ташкил қилди.<sup>5</sup>

Ушбу даврда инфляция даражасининг юқорилиги ва нархларнинг эркинлаштирилиши шароитида дунё тажрибасида кенг қўлланиладиган фойда солиғидан самарали фойдаланиш имконияти йўқ эди. Чунки бундай ҳолларда даромаднинг катта қисми иш ҳақи фондини шакллантиришга кетар эди, солиққа тортиш базаси эса барқарор ва талабга жавоб берадиган даражада эмас эди. Шу сабабли дастлабки босқичда бюджетга зарур маблағларни йиғишнинг самарали воситаларидан бўлган даромад солиғи корхоналарга нисбатан жорий қилинган эди.

Солиқ сиёсатидаги бундай фискал ёндашув даромадга солиқ ставкаларини нисбатан юқори белгилаш орқали амалга оширилди. Даромадга солиқ ставкаси тармоқлар бўйича фаолият турига қараб 15% дан 45 % гача белгиланди. Дастлабки даврда белгиланган юқори ставка бюджет даромадларига юқори тушумни таъминлади.<sup>6</sup> Лекин бундай юқори солиқ юки корхоналарга ортиқча инвестиция қилиш учун маблағларга эга бўлишини бир мунча чегаралаб қўйди, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, техник қайта таъминлашга, ўз айланма маблағларини тўлдиришга йўналтириш имконияти ҳам чекланди. Имтиёзли кредит олиш имкониятининг мавжуд эмаслиги қаттиқ молия-кредит сиёсати натижасида, хўжалик алоқаларининг бузилишига ва ўзаро қарздорликнинг ошиб кетишига сабаб бўлди ва охир-оқибатда ишлаб чиқариш даражасининг пасайиб кетишига олиб келди.

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон солиқ тизими. Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб чиқарилган рисола. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 2001. 66-б.

<sup>6</sup> 1992 йилда корхоналардан ундириладиган даромад солиғининг жами солиқ тушумларидаги улуши 26,98 фоизга тенг бўлган бўлса, 1993 йилда 22,01 фоиз, 1994 йилда 24,5 фоизни ташкил этган (Ўзбекистон солиқ тизими. Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб чиқарилган рисола. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 2001.64-б.).

Корхоналар даромадини солиққа тортишнинг юқори ставкаси кенг имтиёзлар бериш билан биргаликда олиб борилди. Лекин қўшимча имтиёз ва енгилликлар сонининг кўп бўлиши ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун муҳим рол ўйнамас эди. Тажриба бу имтиёзларнинг самараси жуда паст даражада эканлигини кўрсатди, ундан фойдаланиш эса солиқ тизими тартибларини бузди ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг кўпайишини келтириб чиқарди. Шу билан бирга, бу даврда корхоналар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи ҳам амал қилар эди.

1993 йилда бюджетдаги дефицитни камайтириш ва даромад қисмини мустақамлаш вазифасидан келиб чиқиб, солиқ тизимида бир қатор ресурс тўловлари ва сув учун тўлов жорий қилинди, республикадан четга чиқариладиган маҳсулотлардан корхоналар оладиган даромадларига солиқ ставкалари оширилди. 1993 йилда давлат бюджети даромадларининг юқори қисми, амалдаги мавжуд солиқ ва тўлов турлари ичидан 8 тасининг улушига тўғри келди. Бюджет даромадининг анча катта қисми билвосита солиқларга тўғри келди, бунда қўшилган қиймат солиғи 28,84 фоизни, корхоналардан ундириладиган акциз солиғи эса 24,65 фоизни ташкил қилди.<sup>7</sup>

Бу даврда корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир этган бир неча ажратма ва тўловларнинг жорий этилиши бўлди, яъни 30 фоизли амортизация ажратмасидан ва 6 фоизли моддий харажатлардан (ресурс) тўлов жорий этилди. Республиканинг саноат корхоналари балансида асосий воситалар тўпланган ва унинг маҳсулотлари таннархининг анча қисмини моддий харажатлар ташкил қилади, шунинг учун саноат корхоналарининг молиявий фаолиятига бу солиқ тўловлари сезиларли даражада салбий таъсир этди. Асосий воситалар қиймати юқори бўлган саноат корхоналари, жумладан «Ташсельмаш» бирлашмасига қарашли корхоналар фаолиятига бу солиқ тўловларининг жорий қилиниши юқори даражада салбий таъсирини кўрсатди. Кўпгина солиқ ва тўловларнинг жорий этилиши кор-

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон солиқ тизими. Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб чиқарилган рисола. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 2001. 66-б.

хоналарни иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга солиб қўйилиши ҳисобидан дастлабки даврда солиқ тушумларининг улуши ЯИМга нисбатан 1992 йилдаги 27,17% ўрнига 1993 йилда 33,92% га ўсди.<sup>8</sup>

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, 1993 йилда бюджет тақчиллигини 3,1% гача камайтириш мақсадида, ислохотлар асосан солиққа тортиш тизимининг фискал йўналишида олиб борилди, натижада солиқларнинг асосий функцияларидан бири бўлган рағбатлантириш тизими деярли самара бермай қўйди.

1994 йилда амалдаги солиқ тизimini такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқиб, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш юзасидан бир неча чоралар кўрилди:

- қўшилган қийматга солиқ ставкаси 20% га пасайтирилди<sup>9</sup>;
- моддий харажатларга нисбатан 6% ли тўлов бекор қилинди;
- мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиш объекти бир мунча ихчамлаштирилди;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари учун даромад солиғи жорий қилинди;
- акциз солиғини ҳисоблаш усули ва ставкаси қайта кўриб чиқилди.

Мамлакатда бозор муносабатлари шаклланиши жараёнлари кетаётганда солиқ ставкалари узоқ муддатга белгиланиши мумкин эмас, чунки улар бюджет харажатларининг миқдоридан, бюджет дефицитидан, аҳоли даромадлари миқдоридан ташкил топадиган ҳақиқий иқтисодий вазиятга боғлиқ бўлади. Бу бюджетнинг даромад қисмини шакллантирувчи асосий солиқлар – ҚҚС, даромад солиғи ва акциз солиғи ставкаларини ўзгартиришга имконият берди.

Хорижий валютада даромад олувчи корхоналарнинг чет эл валютасида олган тушумдан олинадиган солиқ 1993 йил май ойида жорий қилинди. Бу республикамызда корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини янада кенгайтиришига ва чет эл инвестициясини жалб қилиш учун муҳитнинг яхшиланишига салбий таъси-

---

<sup>8</sup> Ўша китоб. 67-б.

<sup>9</sup> Гатаулин Ш.Қ. Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: Давлат солиқ кўмитаси, 1996. 129-б.

рини кўрсатди ва товар экспорт қилувчи корхоналарни қийин молиявий аҳволга солиб қўйди.

1994 йилда бу солиқ ставкаси 15% га туширилди, корхона солиқ тўлаши билан бир қаторда, Марказий банкка валюта тушумидан 15% мажбурий сотувни амалга ошириши керак бўлди.

1994 йилда амалга оширилган солиққа тортиш тизимидаги ўзгариш кўзланган мақсадларга олиб келмади. Солиқ тизимининг фискал йўналиши сақланиб қолинди, давлат бюджети тақчиллиги 4,1% ни ташкил қилди.<sup>10</sup> Ушбу йилларда маҳсулот таннархи ва нархининг ошиб кетиши, ўзаро бир-бирига боғлиқ корхоналар ўртасида пайдо бўлган занжирнинг инфляцияга таъсир қилиши, бевосита ва билвосита солиқлар ставкаларининг юқори белгиланиши ёки янги солиқ турларининг жорий қилиниши бюджет тенглигини қўллаб-қувватлаш йўналишида олиб борилган солиқ сиёсатининг оқибати ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, молиявий вазиятнинг барқарорлигига имконият бермай қўйди, товар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашувига олиб келди, тўловлар вақтида амалга ошмаслиги кризисини кучайтирди.

**Иккинчи босқич (1995–1997 йиллар).** Иккинчи босқич корхоналардан солиқ юкини солиқлар таркибини такомиллаштириш ҳисобига пасайтириш, уларнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш ва солиққа тортиш механизмини оптималлаштиришдан иборат эди.

Фойдаланилаётган солиқ турларининг айримлари улардан фойдаланиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қийинчиликлар ва қарама-қаршиликлар билан аниқланса-да ва тўғри келмаса-да, уларнинг етарли даражада такомиллашмагани, эндиликда уларни амалиётга жорий қилиш вақтида аниқланган камчиликлардан холи бўлиши ва тусини ўзгартириб турувчи бўлиши кераклигини тажриба тасдиқлади.

1995 йилдан бошлаб солиқ тизими маълум бир даражада унификацияланди. Бир қатор кам самара берадиган, хусусан, хомашё ресурсларига солиқ, республикадан чиқариб кетиладиган маҳсулотлар учун солиқ, ўрмон даромадига солиқ, ҳисобланган

---

<sup>10</sup> Ўз.Респ.МВ нинг 1994 йил давлат бюджети бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи.

амортизация суммасидан 20 фоизли бюджетга ундириладиган солиқлар бекор қилинди.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда ҳам ислохотлар ўтказилди, илгари солиқ ставкаларини қўллашда даромаднинг миқдоридан келиб чиқиб, ставкаларни ойма-ой ўрнатилиб бориш тартиби амал қилган бўлса, 1995 йилдан бошлаб жисмоний шахслар даромад солиғи ставкалари энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб ўрнатилди. Бунда энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридан 15%, ундан ошган қисмидан то энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридаги даромаддан 25 фоиз, энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ошган ва энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан 35 фоиз, энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ошган даромадлардан 40 фоизли миқдорда солиқ ҳисоблаш жорий этилди. Ушбу ставкалар 1996-1997 йилларда ҳам сақланиб қолинди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятидаги йўналиши шундан иборат эдики, республика иқтисодига кенг миқёсда чет эл инвестициясини жалб қилиш учун етарли даражада ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, инвесторлар манфаатдорлигини ҳимоя қилишни таъминлаш эди.

Булар рағбатлантириш, имтиёзли маъмурий ва солиқ режими яратиш орқали амалга оширилди.

1995 йилгача амалда бўлган корхоналар даромадини солиққа тортиш базасига иш ҳақи фонди киритилишини кўзда тутувчи ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш механизми методик нуқтаи назардан асосланмаган эди: солиқларнинг фискал функцияси оғирлиги иқтисодий асосланган меъёрдан ошиб кетди. Шундан кейин 1995 йил бошидан фойдани солиққа тортишга ўтилди ва солиқ ставкаси 38%<sup>11</sup> қилиб белгиланди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун фойда солиғи ставкаси рентабеллик даражасидан келиб чиқиб табақалаштирилиб белгиланди (Рентабеллик даражаси 40% гача бўлган корхоналар учун 3% ли ставкада, рентабеллик даражаси 40% дан юқори бўлган корхоналар учун 20% ли ставкада).

---

<sup>11</sup> Ўз.Респ. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги «1995 йилга мўлжалланган бюджет параметрлари тўғрисида»ги 600-сонли қарори.

Фойда солиғининг рағбатлантирувчи функциясини имтиёз бериш усули орқали амалга ошириш кўзда тутилди. Имтиёз қу-йидаги кўринишда белгиланди:

- экспорт маҳсулотларидан фойданинг ва инвестицияга қили-наётган харажатларнинг ўсишига қараб солиққа тортиш базаси-дан 50 фоизгача чегирма бериш;

- умумий ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт маҳсулотларининг ҳиссасидан келиб чиқиб, асосий солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш (солиқ ставкаларига нисбатан рағбатлантирувчи коэф-фициентлар қўллаш).

Бу даврда ер, сув, ер ости бойликларидан олинадиган солиқ-лари каби табиий бойликларга солиқ солишга ёндашиш тарти-бида бир мунча ўзгаришлар бўлиб ўтди. Уларнинг улушига дав-лат бюджети даромадларининг 3% дан кам тўғри келар эди. Бу солиқлар бюджет даромади сифатида кам фойдаланилар ва ун-дан ташқари табиий ресурслардан самарали фойдаланишни тар-тибга солиб турувчи механизмга деярли ишламас эди. 1995 йил-да бу солиқларнинг ролини ошириш борасида чора-тартиблар кўриш мақсадида, фойдали қазилма бойликларни қазиб олувчи корхоналар учун солиқ солиш базасига мутлақ суммаларда став-калар белгиланганлигини назарда тутган ҳолда ер ости фойдали қазилмаларидан фойдаланганлик учун солиғи ва қишлоқ хўжа-лиги мақсадларида фойдаланиладиган ерларга ер солиғи жорий қилинди, инфляция даражасига қараб улар ҳар йили қайта ин-дексацияланиб борилиши назарда тутилди.

Акцизоти товарлари рўйхатидан кунлик эҳтиёж учун бирин-чи даражали бўлган товарлар чиқарилди. Четдан олиб келина-диган спиртли ичимликларга ва тамаки маҳсулотларига, нефть, бензин ва табиий газга акциз солиғи жорий қилинди, бунинг на-тижасида, акциз солиғининг давлат бюджети даромадларидаги улуши 27,56%<sup>12</sup> гача ўсди.

1995 йилда бўлиб ўтган солиқ тизимидаги ўзгаришлар бюд-жетга солиқ тушумлари таркибида сезиларли силжишларга олиб келди. Билвосита солиқларнинг позицияси ўзгармасдан, бевоси-та солиқлар, мол-мулк солиғи, ресурс солиқларининг ҳиссаси се-

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон солиқ тизими. Мустақилликнинг 10 йиллигига ба-ғишлаб чиқарилган рисола. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2001.– 66 б.

зиларли даражада ўсди. Натижада, бюджет даромадларининг 90 фоиздан ортиғи солиқлар ҳисобидан шакллантирилди.<sup>13</sup>

1995 йилдаги солиқ сиёсатидаги концепция 1996 йилда ҳам сақланиб қолди.<sup>14</sup> Ушбу концепциянинг асосий йўналишларига мувофиқ равишда иккита катта солиқ турининг ставкаларини камайтириш кўзда тутилди. Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни қисқартириш билан бирга, солиқ ставкаси 18% дан 17% га пасайтирилди, фойда (даромад) солиғи ставкаси 38% дан 37% га камайтирилди, экспорт маҳсулотлари ҳажмига нисбатан ва қўшма корхоналарнинг низом жамғармасида чет эл инвестициясининг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар тайинланди, болалар ассортиментидаги товарларини, бадий ҳунармандчилик буюмлари ва ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни, «Ўзқишлоқмашинахолдинг» компанияси корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида, улар учун солиқ ставкалари камайтирилган 10% ли ставкада белгиланди.

1996 йилнинг октябрь ойида республикада ишлаб чиқариладиган ва четдан олиб келинадиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларига акциз маркази жорий қилинди. Бу чора бюджет даромадини оширишга ва акциз солиғи самарали тўланиши устидан ягона тартиб ўрнатишга, ноқонуний акцизности маҳсулотлари олиб келинишининг олдини олишга, ички истеъмолчиларнинг манфатларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Ватанимиздаги товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, четдан келтириладиган автомобилларга акциз солиғи жорий қилинди. Акцизности энергетик ресурсларига солиқ ставкаси икки бараваргача оширилди,<sup>15</sup> жумладан, сотиш нархидаги таннархга нисбатан нефт маҳсулотларига ва дизель ёқилғисига 60-65% атрофида, табиий газга 42,6%, нефт ва газ конденсатига 25% ни таш-

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети бажарилиши тўғрисидаги 1995 йиллик ҳисоботи.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.12.95 йилдаги «Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари» тўғрисидаги 456-сонли қарори.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.12.95 йилдаги «Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари» тўғрисидаги 456-сонли қарори.



кил қилди. Аммо бу чоралар пахта толасига солиқ ставкасини камайтириш (давлат буюртмасининг камайиши, жаҳон нархи ва ички нарх ўртасидаги фарқ қисқариши сабабли) ва айрим товар турларини акциз солиғига тортишдан озод қилиш ҳисобига акциз солиғидан давлат бюджетига тушумларнинг камайишидаги йўқотишларни қоплай олмас эди. Бир вақтнинг ўзида давлат бюджетни даромадларини солиқсиз тўловлар ва йиғимлар ҳисобига ошириш эса, давлат харажатларини молиялаштириш ва ЯИМ нинг 2% миқдорида тақчиллигини таъминлаш имконини берди.

Корхоналардан солиқ юкини пасайтиришга, солиқларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтиришга, мол-мулк ва табиий бойликларни солиққа тортишдан бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилган солиқ сиёсатининг амалдаги концепциясидан келиб чиқиб, 1997 йилда солиқ ислоҳоти давом эттирилди.

Солиқ ислоҳотининг иккинчи босқичида солиқ тизимининг асосий характерли нуқтаси, бу – бевосита солиқлар билан солиққа тортишни ислоҳ қилишдан иборат бўлди.

Фойда (даромад) солиғи ставкаси 36% га пасайтирилди.<sup>16</sup> Болалар ассортиментиданги товарлари, бадий хўнарандчилик буюмлари ва ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар, «Ўзқишлоқмашинахолдинг» компанияси корхоналари учун фойда (даромад) солиғининг пасайтирилган ставкалари сақланиб қолди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун фойда (даромад) солиғи ставкалари рентабеллик даражасига қараб белгиланишида ўзгаришлар бўлди. Бунда рентабелликнинг 25 фоизгача фойда (даромад) солиғи ставкаси 3 фоиз, рентабелликнинг 25 фоиздан ортиғига фойда (даромад) солиғи ставкаси 20 фоиз қилиб белгиланди.

Солиқ функциялари ичида уларни тартибга солиб турувчи функцияси, айниқса қишлоқ хўжалиги тармоқларида, энгил ва фармацевтика саноатида ўз самарасини берди

Уларга кўплаб солиқ турлари бўйича имтиёзлар берилди. Ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи янги ташкил қилинган

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Бюллетень. – №1, 1997. 52-б.

корхоналарга, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга илгари белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинди. Бундан ташқари, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарнинг самарали фаолиятини рағбатлантиришни ташкил қилиш мақсадида, чет эл инвесторларига солиқ қонунчилигида катта имтиёз ва кафолатлар тизими кўзда тутилди.

Экология солиғи жорий қилинди ва бу солиқ ставкаси ишлаб чиқариш таннархидан бир фоиз миқдорида белгиланди. Унинг бундай кенг солиқ солиш базасига эга бўлиши уни мулк солиғига тенглаштирди.

Шунингдек, иккинчи босқичда билвосита солиқлар билан солиққа тортишни такомиллаштириш қўйидагиларда ўз аксини топди:

Билвосита солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш, асосан, солиққа тортиш базасини кенгайтиришга йўналтирилган эди, юзага келган мураккаб вазиятда мустаҳкам даромад манбаи билвосита солиқлар ҳисобланади, бу солиқлар билан солиққа тортиш базасини ва ставкасини ўзгартириш орқали бюджетга тушумлар сезиларли даражада ошди.

Қўшилган қийматга солиқ бўйича табақалаштирилган ставка жорий қилинди: биринчи даражали зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари (ун, нон, сут, гўшт) учун ставка 10% гача пасайтирилди, асосий солиқ ставкаси эса бюджет йўқотишини қоплаш мақсадида 17% дан 18% га оширилди.

Акциз солиғи бўйича солиққа тортиш базаси импорт товарлари (автомобиллар, маиший техникалар, гиламлар, пиво, қандолатчилик маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, алкогольсиз ичимликлар ва шарбатлар) ҳисобига кенгайтирилди. Аммо жаҳон бозорида пахта толаси ва нефть маҳсулотлари нархининг пасайиши ҳамда қўшни мамлакатлардан энергия ресурсларидан фойдаланганлик учун бартер асосида ҳисоб-китоб қилишга ўтилиши оқибатида бюджетга тушумлар пасайди, ЯИМ нисбатан акциз солиғи бўйича тушум 1996 йилдаги 7,18 % ўрнига 1997 йилда 4,51 %<sup>17</sup> га тушиб кетди.

---

<sup>17</sup> Ўзбекистонда солиқ тизими. Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб чиқарилган рисола. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 2001. 66-б.

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси жорий этилгандан кейинги даврдаги учинчи босқич 1998 йилдан 2005 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.**

1997 йилда республикада Солиқ кодекси қабул қилинди. 1998 йил бошидан Солиқ кодексининг кучга киритилиши билан республикада солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичи бошланди. Солиқ кодекси юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишни тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. 1998 йилгача бир қанча қонунлар ва турли қонун ҳужжатлари амал қилди. Солиқ кодекси солиқ тизимини тартибга келтирди, бюджет даромад базасини мустақамлаш учун қонуний базани ташкил қилди, солиқларни ундириш ва белгилаш бўйича республика ва маҳаллий бошқарув органлари ваколатини аниқ белгилаб берди.

Қабул қилинган Солиқ кодекси негизида солиқ сиёсатининг амалда қўлланилаётган концепцияси акс эттирилган эди. Солиқ кодексига солиқ тизимининг барқарор элементларидан бири ҳисобланган билвосита ва бевосита солиқларнинг асосий турлари бўйича ставкалари белгилаб берилди. Ресурс солиқлари билан солиққа тортишда ва бюджет даромадини ташкил қилишдаги родини кучайтиришда инфляциянинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бу солиқ турлари бўйича кейинги йил учун бюджет тасдиқланаётган вақтда қайта кўриб чиқиб ўзгартириш киритишга йўл қўйилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ставкалар белгиланиши келтириб ўтилди. 1998 йилда жорий этилган бу Солиқ кодексининг энг катта камчиликларидан бири тўғридан-тўғри ишламас эди, яъни бевосита солиқ тўловчининг ундан фойдаланиш имкониятлари чегараланган эди. Ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида йўриқнома ва ҳатто баҳсли ҳолатлар бўйича тушунтиришлардан фойдаланилар эди.

Солиқ кодексининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб, турли хўжалик субъектларини бир хил шароитда солиққа тортиш кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда, бевосита солиқлар билан солиққа тортиш бўйича, солиқ тўловчиларнинг тоифаси ва улар тегишли тармоққа кўра солиққа тортишнинг бошқа шакллари ҳам кўзда тутилган. Жумладан:

- хўжалик субъектларининг асосий қисми фойда (даромад) солиғи тўлайди;

- кичик корхоналар учун (акцизоти товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналардан ташқари), ягона солиқ тўлашни кўзда ту-

тувчи солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилиши мумкин;

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғини тўлайди;

- банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар даромад солиғи тўлайди.

Солиқ кодексига барча солиқлар турлар бўйича тартибга солинган, уларнинг ҳар бирига амал қилиш шартлари белгилаб берилган. Солиқ кодексини ишлаб чиқиш ва кучга киритиш мақсадидан келиб чиқиб, ҳамма солиқ турлари бўйича, улар амал қилиши давомида, механизмлари айрим элементларининг ўзгариши кўзда тутилган.

Фойда (даромад) солиғи солиқ солиш объекти қилиб, жами даромад билан «Харажатлар таркиби тўғрисидаги низом» да кўзда тутилган харажатлар ўртасидаги фарқ олинди.

Фойда (даромад) солиғи ставкаси ҳуқуқий шахслар учун 35% қилиб белгиланди.<sup>18</sup> Айрим корхоналар учун солиқнинг пасайтирилган ставкаларини қўллаш кўзда тутилди. Жумладан:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари учун рентабеллик даражасидан келиб чиқиб, рентабелликнинг 20 % гача 5 фоизли ставка, 20 % дан 35 % гача 20 фоизли ставка, 35 % дан юқори 35 фоизли ставкада;

- чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар (низом жамғармасида чет эл инвестицияси улушига қараб ишлаб чиқариш корхоналари учун фойда солиғи ставкаси табақалаштирилган);

- болалар учун товарлар ва бадий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқарувчилар;

- ўзи ишлаб чиқарган товарларини экспортга чиқарувчилар.

Корхоналар балансида бўлган ижтимоий соҳа объектларини сақлаш харажатлари учун имтиёزلардан ташқари, қонун билан белгиланган фойда (даромад)ни солиққа тортишдаги имтиёزلар сақланиб қолинди. Уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, булар имтиёз эмас, балки, солиққа тортиш базасини ҳисоблашда мажбурий чегириб ташлайдиган харажатлар сифатида қабул қилинган.

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. –Т.: «Адолат», 1997. 37-б.

Солиқ кодексида Ўзбекистон Республикасида муқим туриб, фаолият кўрсатиб ёки муқим турмай даромад олувчи норезидентлар учун даромадини солиққа тортиш механизми аниқ кўрсатиб берилган.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича маиший хизмат кўрсатиш соҳасига берилган имтиёздан ташқари, барча имтиёзлар сақланиб қолинди. Маиший хизмат учун шартномавий нарх жорий қилингандан кейин маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарга бу имтиёз берилмайдиган бўлди.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда асосий уч йўналиш кўзда тутилди:

- ҚҚС ни 20% ли асосий ставкада тўлаш. Бунда бюджетга тўланиши керак бўлган ҚҚС суммасини ҳисоблашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинди;

- импорт қилинадиган товарлар (иш ва хизматлар) учун ҚҚС тўлаш жорий этилди;<sup>19</sup>

- қуйидаги кўзда тутилган операцияларни нолга тенг ставкада солиққа тортиш кўзда тутилди:

1. Товар (ишлар, хизматлар) экспортини, Ўзбекистон Республикасига товарлар (иш, хизматлар) экспортига нисбатан солиқ солиш режимини қўллайдиган давлатларга товарларни (иш, хизматларни) реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно;

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари.

ҚҚС ставкаси 20 % ва 10 % (ижтимоий аҳамиятга эга товарлар учун) миқдориди белгиланди.

Солиқ тўланишини тартибга келтириш ва назорат қилиш мақсадида счет-фактура жорий қилинди. Қўшимча қиймат солиғи билан солиққа тортилувчи товарларни юклаб жўнатувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи солиқ тўловчилар товар (иш, хизмат) олувчи шахсларга қонунда белгиланган счет-фактура ни ёзиб беришга мажбурдирлар.

Солиқ кодексида акциз бўйича солиққа тортишнинг амалдаги шартлари сақлаб қолинди. Акцизоти товарлари ишлаб чиқа-

---

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Бюллетень. – №3, 1998. 69-б.

рувчи ва уларни экспортга чиқарувчи корхоналар акциз солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Экспортни рағбатлантириш мақсадида, акцизоти товарлар экспорти акциз солиғи билан солиққа тортилмаслиги белгиланди, бундан Ўзбекистон Республикасига товар (иш, хизмат) экспортига нисбатан солиқ солиш режимини қўллайдиган давлатларга товар (иш, хизмат)лар реализация қилинадиган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг беш поғонали тизими жорий этилди, бунда энг кам ставка 15 фоиз, юқори ставка 45 фоиз қилиб белгиланди. Ушбу солиқ ставкаларининг оширилиши жисмоний шахсларнинг даромадларига нисбатан солиқ юкининг ошишига олиб келди. Шу туфайли кейинги йилларда даромад солиғи ставкалари камайтирилиб борилди.

Мол-мулк солиғи ва ресурс солиқларининг ролини ошириш заруриятини кўзда тутувчи солиқ тизими концепциясидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига мол-мулк солиғи ставкаси 4% қилиб белгиланди<sup>20</sup> ва унинг солиққа тортиш базаси таркибига номоддий активлар киритилиб, солиқ солиш базаси кенгайтирилди. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи имтиёзлари сақланиб қолинди.

Фойдали қазилма бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича Солиқ кодексига асосан ер ости иншоотларидан фойдаланаётган ва қурилиш ишларини олиб бораётган бюджет ташкилот ва корхоналарига ҳам имтиёзлар сони кенгайтирилди.

Ушбу даврда сув учун тўлов ўрнига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий қилинди. Солиқ кодексига солиқ тўловчилар ва айрим солиқ тўловчилар тоифаларига имтиёзлар бериш аниқ ажратиб берилди.

Солиқ кодекси қабул қилиниши билан ҳукумат томонидан чиқарилган қарорларда солиқ ислоҳоти йўналишлари, солиққа тортиш тамойиллари, солиқ-ҳуқуқ муносабатларини тартибга солиш соҳаси, бу ҳуқуқ муносабатларида хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб берилди. Солиқ кодекси солиқ қонунчилиги билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни тартиб-

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. –Т.: «Адолат», 1997. 83-б.

га солади, солиқ тизимини олдиндан белгилаб қўяди ва янада барқарорлаштиради. Бундан ташқари, турли йўналишга эга бўлган фискал ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш функцияларини бир-бирига боғлаб олиб боришнинг қулай хусусиятларини излаб топишни кўзда тутаяди, асосий солиқ турлари бўйича кенг имтиёз тизими жорий этади.

Лекин Солиқ кодекси қабул қилиниши билан солиқ тизимини такомиллаштириш янада давом эттирилди. 1999 йилда бир вақтнинг ўзида бир неча солиқ турида ўзгариш бўлди. Юридик шахслар тўлайдиган фойда (даромад) солиғининг асосий ставкаси 35 фоиздан 33% га туширилди,<sup>21</sup> ёки Солиқ кодекси билан тасдиқланганидан 2% га камайди. Бу ислохот корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш мақсадида амалга оширилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида, уларга бир қатор умумдавлат, маҳаллий солиқ ва йиғимлардан озод қилиш имконияти берилди. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари экология солиғи, қазилма бойликлардан, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, шунингдек бир қатор маҳаллий солиқ ва йиғимлардан озод қилинди. Уларнинг ўрнига бу корхоналар ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи, божхона тўлови ва махсус фондларга ажратмалар ва лицензион йиғимларни тўлаши зарур.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш тартибида туб ўзгаришлар юз берди. Агар 1999 йил 1 январгача ҚҚС бўйича ҳисоб-китоб ишлаб чиқариш таннархига ўтказиладиган моддий бойликлар бўйича олиб борилган бўлса, энди бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси солиққа тортиладиган айланмадан ҳисобланган солиқ суммаси билан ҳисоб-китобга ўтказиладиган жами солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида олинадиган бўлди. Бу ерда ҳисоб-китобга ўтказиладиган ҚҚС суммаси деганда, ҳисобот даврида ҳақиқий келиб тушган товарлар, шунингдек импортдан олинганлар учун счет-фактура асосида тўлаб берилган сумма қабул қилинади. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг ушбу тамойилга ўтиши дунё стандартларига мос келиши билан

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Бюллетень. – №1 илова, 1999. 71-б.

бирга, солиқ тўловчи корхоналарга ҳисоботларни топширишда ҳам бирмунча қулайликларни келтириб чиқарди, лекин ҚҚС бўйича солиқ тушумлари дастлабки пайтларда камайиш тенденциясига эга бўлди.

ҚҚС солиқ ставкаси бир қатор ўзгаришларга учради. Илгари республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган товарларнинг барчаси 20% ставка бўйича солиққа тортилиши сақлаб қолинди. Айрим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар учун ставкалар 15% даражасида белгиланди. Уларнинг рўйхатига импорт қилинадиган ғалла ва тирик қора мол ҳам киритилди.<sup>22</sup>

*1-жадвал*

**Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини 1999 йилгача амалда бўлган ва ундан кейин жорий этилган ҳисоблаш усулининг қиёсий таҳлили**

Кўрсаткичлар	1999 йилгача		1999 йилдан кейин	
	айлан-ма	ҚҚС суммаси	айлан-ма	ҚҚС суммаси
Ҳисобот даврида харид этилган моддий харажатлар	100	20	100	20
Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этилган моддий харажатлар	50	10	50	10
Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган айланма	200	40	200	40
Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи		30 (40-10)		20 (40-20)

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Бюллетень. – №1 илова, 1999. 74,75-б.



Эркин алмаштириладиган валютани сотиб олганлик учун 5% лик йиғим жорий қилинди. Бундан ташқари, меъёрдан ошиқча ишлаб чиқариш захираларига уларнинг сотиб олиш нархидан 4% миқдориди тўлов жорий қилинди. Бу маблағ маҳаллий бюджетга ўтказилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам ўзгариш бўлди, яъни қишлоқ хўжалиги ширкатлари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар умумдавлат ва маҳаллий солиқ ва йиғимлар ўрнига фақат ягона ер солиғи тўлайдиган бўлдилар. Кичик қишлоқ хўжалик корхоналарига, шунингдек, фермер хўжаликларига бюджет билан ўз ихтиёри бўйича ягона ер солиғи ёки кичик корхоналар учун сотиш ҳажмига қараб ягона солиқ билан ҳисоб-китоб қилиш имкониятлари берилди. Фойдали қазилмаларнинг айрим турларига солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар ставкалари қайта кўриб чиқилди.

Республикамиз солиқ тизимида билвосита солиқларнинг сезиларли даражада ўсиши кузатилмоқда. Билвосита солиқлар, асосан, ҚҚС ва акциз солиғи ҳисобига ошди. ҚҚСдан тушумнинг ошишига сабаб, ижтимоий аҳамиятга эга товарлар учун солиқ ставкасининг 10 фоиздан 15 фоизга оширилиши ва улар таркибига импорт қилинаётган ғалла ва тирик қора молларнинг киритилиши, шунингдек юқорида айтиб ўтилганидек, бу солиқ турининг солиққа тортиш тартибини ўзгартирилишидир.

Жисмоний шахсларни даромад солиғига тортишда ҳам 2001 йилдан бошлаб туб ўзгаришлар юз берди. Биринчидан, даромад солиғи ҳисоблашда солиқ солинмайдиган энг кам миқдор (минимум) бекор қилинди. Иккинчидан, солиқ солишда уч поғонали тизим амал қила бошлади. Жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаларининг кам ставкаси 12 фоиз (энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдориди), юқори ставкаси 36 фоиз (энг кам иш ҳақининг саккиз баробаридан ошгандан кейин) қилиб белгиланди. Ушбу ўзгаришлар нисбатан кам даромадга эга жисмоний шахсларда солиқ юкини кўпайишига олиб келган бўлса, юқори даромад олувчиларда даромад солиғи юки камайди.

Бозорнинг қайта шаклланишида юзага келган солиқ тизимидаги бундай таркибий тузилма, бюджет даромадларини бир маромда тўлдириш учун асосий манба ҳисобланадиган билвосита солиқларга эга бўлиб, иш олиб бориш зарурлигини талаб қилди. Бу аҳоли турмуш даражасининг пастлиги билан изоҳланади,

унинг ҳуқуқий даромадини тўғридан-тўғри солиққа тортиш кўламини чегаралайди. Шунингдек, бу босқичда корхоналарнинг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берилди, улар ихтиёрида қолдириладиган фойдани ошириш мақсадида фойда солиғи ставкаси 2 баробардан ошиқ пасайтирилди (2000 йилдаги 31 фоиздан 2004 йилга келиб 18 фоизга туширилди).<sup>23</sup> Бу даврда солиқ тушумларида истеъмолчилар томонидан тўланадиган билвосита солиқларнинг улуши ошди. Корхоналар томонидан олиб келинадиган импорт товарларини рағбатлантириш мақсадида, уларга нисбатан амалдаги ставкалар сақланиб қолиниб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга нисбатан солиқ ва божхона тўловлари унификацияланиб, тижорат мақсадида олиб кирилатган товарлар учун ягона божхона тўлови даставвал саноат маҳсулотлари учун 90 фоизга, кейин 70 фоизга туширилди, озиқ овқат маҳсулотлари учун дастлаб 50 фоиз, кейин 40 фоизли ставкалари жорий этилди.

**Солиқ тизимини ривожлантиришнинг тўртинчи босқичи 2005 йилдан бошланди,** бунда солиқ сиёсатини такомиллаштириш мамлакат иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш бўйича олиб борилатган ислохотлар асосида шакллантирилди.

2005 йилдан бошлаб мамлакат солиқ тизимида туб ўзгаришлар амалга оширила бошланди, ҳукумат иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида солиқ сиёсатини такомиллаштириш вазифасини қўйди. Бунда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, солиқларни унификациялаш, солиқларни адресли бўлишини таъминлаш ва ресурсдан оқилона фойдаланишни таъминловчи солиқларни ривожлантириш кўзда тутилди ва Юртбошимиз томонидан «Амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шу асосда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутадиган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини тайёрлаш»<sup>24</sup> масаласи илгари сурилди. Ушбу янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 2007 йилнинг 25 декабрида тасдиқла-

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Бюллетень. – №II-1 илова, 2004. 59-б.

<sup>24</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 220-б.

ниб, 2008 йилдан бошлаб кучга кирди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг илгаригисидан энг асосий фарқи шундан иборатки, янги Солиқ кодекси тўғридан-тўғри амал қилишга мўлжалланган, яъни ҳар бир солиқни ҳисоблаш ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар асосида амалга оширилмасдан тўғридан-тўғри Солиқ кодексида акс эттирилди, ҳамда илгари қонуности ҳужжатлар асосида тартибга солинувчи соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби ва мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни ҳисобланиш ва ундириш тартиблари Солиқ кодексида акс эттирилди. Шунингдек, бу босқичда кичик бизнес корхоналарига янада кулайликлар бериш мақсадида ягона солиқ ва мақсадли жамғармалар учун ажратмалар унификацияланиб, ягона солиқ тўлови 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб жорий этилди. Дастлаб ягона солиқ тўловининг асосий ставкаси 13 фоиз қилиб белгиланган бўлса, ҳозирги кунда ушбу солиқнинг асосий ставкаси 7 фоизни ташкил этади холос. Бу ўз самарасини берди, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2006 йилдаги 42,1 фоиздан, 2009 йилга келиб 50,1 фоизга етишига хизмат қилди. Ягона солиқ тўловига ўтган кичик корхоналарнинг умумий тартибда солиқ тўловчи йирик корхоналар билан бўладиган иқтисодий муносабатларида солиқларнинг салбий таъсирини қисқартириш мақсадида, 2006 йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови тўловчи корхоналарга қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқи берилди, бунда давлат бюджетига ўтказиладиган ҚҚС ҳисобига ягона солиқ тўловининг 50 фоизи миқдоригача чегирмалар берилиши жорий этилди ҳамда корхоналар харажатларига нисбатан ҳисобланадиган экология солиғи 2006 йилдан бошлаб бекор қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишлар ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилиши белгилаб қўйилди.

2005 йилдан бошлаб жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган даромаднинг бир фоизи миқдоридаги маблағини даромад солиғидан чегирман ҳолда жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағига ўтказилиш тартиби жорий этилди. 2005-2010 йилларда жисмоний шахслар даромад солиғи

ставкаси пасайтирилиб борилди, ҳозирда энг камставка 11 фоизни, юқори ставка 22 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса аҳоли ихтиёрида қоладиган даромадларнинг ошишига ва турмуш даражасининг кўтарилишига хизмат қилмоқда.

2005-2010 йилларда фойда солиғи ставкаларини пасайтириш давом эттирилди, бу даврда фойда солиғининг асосий ставкаси 15 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди. Тижорат банклари учун 2007 йилдан бошлаб бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари фойда солиғи жорий этилиб, ҳозирги кунда тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси 15 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича ҳукумат даражасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга асосан текширишлар сони кескин камайтирилди, тадбиркорлик субъектларини молиявий хўжалик фаолиятини текшириш ҳуқуқи фақатгина солиқ идораларида қолдирилди, шунингдек уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиши тартиби жорий этилди. Кичик бизнес корхоналарининг ортиқча ҳисоботлар топширилишига чек қўйилди, барча ҳисоботлар топшириш муддатлари чораклик, бир марта қилиб белгиланди ва улар сони 10 мартадан ошққа қисқартирилди. Ушбу даврда тадбиркорлик субъектларини, айниқса, кичик тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга доир Президентимизнинг бир неча Фармон ва қарорлари чиқди.

## **2-БЎЛИМ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА ЯҒОНА РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ**

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишда қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357 сонли қарорига<sup>25</sup> асосан 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик

---

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли қарори. 24.05.2006 й.

субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилди. Ушбу қарорга биноан, тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш асосида давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят адлия бошқармаларида, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатлари белгилаб берилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, адлия органлари ёки туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади.

Ариза – хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

Шу қарор билан туман (шаҳар)лар Давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи органлар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари берилганлиги тўғрисидаги тегишли сўровномаларни қабул қилиш ва ушбу ахборотни рўйхатга олувчи органларга узатиш учун электрон почта алоқаси ташкил этилган.

Давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан хабардор қилиш асосида давлат рўйхатидан ўтказиш:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари шаклида ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, бозорлар, ҳамда аудиторлик ташкилотлари – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, бозорлар ҳамда солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри (КТЯДР) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан юритилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш муассисларнинг ихтиёрига кўра:

- муассисларнинг ўзлари томонидан;

- шартнома асосида – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, консалтинг фирмалари ёхуд бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектини хабардор қилиш асосида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун давлат божи тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун тегишли миқдорларда давлат божи тўланади. Давлат божининг 20 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига, қолган сумма тегишли равишда республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияларида давлат божи, унинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизда ташкил қилинадиган акциядорлик жамиятларидан давлат божи олинмайди. Шунингдек, бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларидан давлат божи белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдоридан ундирилади.

Тадбиркорлик субъектларининг бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номига эга бўлишини олдини олиш мақсадида, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар туманлар давлат статистика органларида бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома расмийлаштирилади.

Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома олиш учун ариза берувчи шахсан ўзи келиб, почта алоқаси, электрон почта ало-

қаси ёки факсимил алоқа орқали туман давлат статистика органига сўралаётган фирма номи, шунингдек фирма номининг 5 тагача муқобил варианты кўрсатилган ариза билан мурожаат қилади. Туман давлат статистика органи аризани олганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат статистика органларига электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали тегишли сўровнома юборади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг масъул ходими сўралаётган ва қабул қилиниши мумкин бўлган фирма номини фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан захирага қўйиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга ошириши шарт. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган ва рўйхатдан ўтказилган тегишли юридик шахс билан рўйхатдан ўтказиладиган юридик шахсни адаштирилишига олиб келиши мумкин бўлган фирма номини захирага қўйиш мумкин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат статистика органи олинган маълумотни уни сўраган туман Давлат статистика органига электрон почта алоқаси ёки факсимил алоқа орқали юборади. Туман Давлат статистика органи захирага олинган фирма номини ёхуд бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи КТЯДРда мавжуд эканлиги ҳақидаги маълумотномани олгач, тегишли маълумотномани расмийлаштиради ва беради. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эканлиги ҳақидаги маълумотномани олган ариза берувчи, қайтадан ариза билан бошқа фирма номларини кўрсатган ҳолда бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома беришни сўраб мурожаат қилишга ҳақли.

Аризани кўриб чиқиш ва тегишли маълумотномани бериш муддати 2 иш кунини ташкил этади. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эканлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома берганлик учун тўлов олинмайди. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотноманинг амал қилиш муддати 2 ой.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга шахсан келиб ёки почта орқали белгиланган шаклдаги ариза-

хабарнома тақдим этади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-хабарномага:

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси, бунда давлат корхоналари негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятлари учун таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган бўлиши талаб этилмайди. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари бўлиб, устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ширкатлар учун эса фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун фақат устав;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотноманинг асл нусхаси;

уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари илова қилинади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) бозорлар учун - бозор ташкил қилишга ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори ҳамда бозорнинг устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг камида 30 фоизи миқдорда маблағ киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

б) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун:

- хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан олинган, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган Давлат Ташқи ишлар вазирлигида мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилиниб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар



вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган кўчирма тақдим этилади.

Хорижий муассис тўғрисида савдо реестридан кўчирмада хорижий юридик шахснинг номи, унинг жойлашган манзили, устав фонди миқдори, ташкилий-ҳуқуқий шакли, рўйхатдан ўтказилган санаси, фаолият кўрсатиш муддати ҳамда хорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳақида маълумотлар кўрсатилиши керак. Ушбу кўчирма берилган пайтдан бошлаб 1 йил муддат ичида ҳақиқий ҳисобланади. Жисмоний шахс – норезидент ўз паспортининг нусхасини тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинган, таржима белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши керак. Агар хорижий муассиснинг корхона ёки ташкилот устав фондида улуши интеллектуал мулк бўлса, у ҳолда ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоловчи томонидан тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши керак;

- ҳар бир таъсисчи томонидан корхона устав фондидаги ўз улушининг 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, жумладан, вақтинчалик сўмлардаги ва валютадаги жамловчи ҳисоб рақамларига пул маблағлари киритилганлиги ҳақида банк маълумотномаси, мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар;

в) деҳқон хўжаликлари, яъни юридик шахслар ҳамда фермер хўжаликлари учун туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори нусхаси;

г) юридик шахсларни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари учун;

- қайта ташкил қилинаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш ҳақида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- қўшиб юбориш ёки ўзгартириш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбури-

ятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатнома-си ёки бўлиш ва ажратиб чиқариш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахслар учун бўлиш баланси;

- қайта ташкил қилинаётган юридик шахснинг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхаси, муҳри ва штампи.

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

- 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;

- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

- якка тадбиркор хоҳишига кўра уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари;

- паспорт нусхаси.

Юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига деҳқон хўжалиги раҳбари томонидан шахсан ўзи келиб ёки почта алоқаси орқали белгиланган шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза-хабарнома тақдим этилади ва унга қуйидагилар илова қилинади:

- туман ҳокимининг деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори;

- ариза берувчининг хоҳишига кўра муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада;

- паспорт нусхаси.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ҳисобга қўйиш хабардор қилиш тартибида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда тегишлича, адлия органлари, туманлар ёки шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш

тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Низом<sup>26</sup> билан тартибга солинади.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш дастлаб жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича Давлат солиқ инспекциясида амалга оширилади.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат солиқ инспекциясига жисмоний шахс келиб ариза тақдим этади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

- 3x4 ўлчамли тўртта фотосурат;
- давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати;
- якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотнома-тасдиқномаси;

- муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

Ариза берилётганда паспорт кўрсатилиши лозим.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказиш рад этилса, унинг сабаблари кўрсатилган қарор зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай Давлат солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинади.

Давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахс томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза берилгандан кейин етти кун мобайнида унга:

- тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ёки ёзма равишдаги сабаблари кўрсатилган рад жавобини;

---

<sup>26</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган. «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги» Низом.

- тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш тартиб-қоидалардан ўтиши карточкасини;

- муҳр ва штамп тайёрлашга ички ишлар органининг рухсатномаси нусхасини эскизларнинг бир нусхаси билан биргаликда беради.

Ариза берувчи тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида:

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши;

- чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсатномани туман (шаҳар) ҳокимлигида белгиланган тартибда расмийлаштириши;

- тижорат банкида талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақами очиши шарт.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома фақат барча зарур рўйхатдан ўтиш (рухсат берувчи) тартиб-қоидалардан ўтилгандан кейин олинadиган импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси мавжуд бўлган тақдирда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги квитанция;

ариза берувчининг паспорти нусхаси;

давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг но- тариал тасдиқланган нусхаси.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги зарур тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар олинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисини тегишли рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами остида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига киритади ва унга импорт қилинадиган маҳсулотнинг номлари илова қилинган ҳолда белгиланган намунадаги рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бера-

ди ёки сабабларини кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтказишни рад этади.

Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномасининг амал қилиш муддати бир йил.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиш учун яшаш жойи бўйича давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

доимий яшаш жойи манзили кўрсатилган ҳолда божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчисининг гувоҳномаси нусхаси;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш тартиб-қоидаларидан ўтиши карточкаси.

Божхона органи икки кундан ортиқ бўлмаган муддатда тартиб рақами ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилган тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг рўйхатдан ўтиш тартиб-қоидалари карточкасига рўйхатдан ўтказиш штампини босади.

Банк ҳисоб рақами очиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича амалга оширилади. Банк ҳисоб рақами очилгандан кейин тижорат банкининг бўлими томонидан рўйхатдан ўтиш тартиб-қоидаларидан ўтиш карточкасига тегишли белги қўйилади.

Тадбиркорлик субъектига рўйхатдан ўтаётганда корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (ХТУТ) хос рақами кетма-кетлик тартибида берилади. Рўйхатдан ўтказувчи органларда ХТУТ хос рақамининг мавжуд эмаслигига йўл қўйилмайди. ХТУТ хос рақами берилганидан кейин, рўйхатдан ўтказувчи орган электрон почта алоқаси орқали туман Давлат солиқ инспекциясига солиқ тўловчининг идентификация рақамини

(СТИР) бериш учун белгиланган шакл бўйича сўровнома юборди. Электрон почта алоқаси мавжуд бўлмаган ҳолда солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш учун тегишли сўровнома факсимил алоқа орқали юборилади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси тегишли сўровномани қабул қилиб олгач, аниқ вақт режимида солиқ тўловчиларнинг идентификацион рақамлари (СТИР) марказлаштирилган базаси орқали тадбиркорлик субъектига солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) беради ва айни вақтда солиқ тўловчиларнинг идентификацион рақамлари марказлаштирилган базасига тегишли ёзувни киритади.

Тадбиркорлик субъектига солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилиб, рақам (СТИР) берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома расмийлаштирилади ва рўйхатдан ўтказувчи органларга электрон почта орқали юборди. Электрон почта алоқаси бўлмаган тақдирда, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома факсимил алоқа орқали юборилади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш ва уни рўйхатдан ўтказувчи органга юбориш муддати 8 иш соатидан ортиқ бўлмаган вақтни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси «Солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунга биноан солиқ хизмати ходимларининг асосий функциялари сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни рўйхатга олиш (идентификация) рақамларини берган ҳолда солиқ тўловчилар сифатида уларни рўйхатга қўйиш ҳақида ҳужжатларни бериш қайд қилинган.

Ушбу вазифа 2008 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сонли «Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларга идентификацион рақам бериш ва ундан фойдаланиш тартиби» тўғрисидаги Қарорга<sup>27</sup> биноан давлат солиқ идоралари томонидан амалга оширилиб келинди. 2008 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сонли «Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларга идентификацион рақам бериш ва ундан фойдаланиш тартиби» тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 77-моддасида солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйишнинг умумий қоидалари белгилаб берилди.

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритади. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш уларни ҳисобга қўйиш ва улар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилаётганда унга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади ҳамда солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисобга қўйиш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан юритилади. Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига берилган идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки солиқ тўловчи бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистика органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Идентификацион рақам бу – солиқ тўловчиларга берилган махсус кодлар бўлиб, у солиқ тўловчиларга марказлаштирилган тартибда Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилади.

Солиқ тўловчига идентификацион рақам бериш қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг идентификация рақамлари ягона реестрини шакллантириш;

- қонунга биноан солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларни тўлиқ ва сифатли рўйхатга олиш;

- солиқ тўловчиларга идентификацион рақам бериш орқали туманда, вилоятда, республика миқёсида солиқ тўловчиларни ягона базасини ташкил қилиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳамма маълумотларини жамлаш;

- солиқ тўловчиларни бюджет билан муносабатларини назорат қилиш, тўлаган солиқ ва тўловларини ҳисобга олиш ва компьютер дастурлари орқали юритиш;

- солиқ тўловчиларга берилган идентификацион рақам орқали давлат бошқарув органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан маълумот алмашиш;

Солиқ тўловчиларга берилган идентификацион рақам давлат, социал таъминоти, суғурта бўйича мажбуриятларини бажаришда ва ҳамма тўлов ҳужжатларида ишлатилади.

Идентификация рақами солиқ тўловчиларнинг барча солиқ мажбуриятлари ва барча ижтимоий ҳуқуқлари бўйича ягона ҳисобланади. Уни давлат ҳокимияти ва назорат органлари билан, давлат ижтимоий суғуртаси ҳамда бошқа суғурта жамғармаларида тўловлар (маблағлар) олиш бўйича, барча ўзаро муносабатларида қўлланади ва ўзгартирилмайди.

Идентификация рақами бир марта берилади ва фақат юридик шахснинг тугатилиши, жисмоний шахснинг вафоти ёки бошқа мамлакатга кўчиб кетиши муносабати билан, ушбу воқеалар рўй бергандан кейин уч йил ўтгач, бекор қилиниши мумкин. Шундан кейин ушбу код бошқа солиқ тўловчига берилади.

Идентификация рақами солиқ тўловчиларга улар ўзлари яшайдиган жойдаги давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини тўлдиргандан кейин берилади. Рўйхатдан ўтказиш маълумотлари давлат солиқ инспекциясида компьютер орқали киритилиб, электрон почта орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига берилади. Давлат солиқ қўмитасида эса идентификацион рақамини беришда ҳар бир солиқ тўловчининг маълумотлари текширилади. Берилган идентификация рақами ёки уни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, электрон почта орқали давлат солиқ инспекциясига қайтарилади.

Давлат солиқ қўмитасидан идентификация рақами берилгани тўғрисидаги маълумотлар олингач, давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчиларга идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилади.

Идентификация рақамини:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилаётган хўжалик, фуқаролик, ҳуқуқий ва меҳнат шартномаларида, уларга иловаларда;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан битишувлар содир этилганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда, шу жумладан, ҳисобварақ-фактураларда ва транспорт ҳужжатларида;

- хўжалик юритувчи субъектларда молиявий, мулкый ва қиймат ифодасига эга бўлган бошқа мажбуриятларнинг юзага ке-



лишини, шунингдек, уларнинг бажарилганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қиймат ифодасига эга бўлган активларга, мулк эгаси ҳуқуқи сотиб олинганлигини ва берилганлигини белгиловчи ва тасдиқловчи, шунингдек, бундай ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда;

- давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларига, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан ушбу ишларга вакиллик қилинган бошқа органлар томонидан (тадбиркорлик фаолияти, шунингдек, фаолиятнинг бошқа муайян турлари билан шуғулланиш учун) берилган лицензияларга;

- банк тўлов ҳужжатларининг электрон шакллариغا;

- давлат солиқ инспекциясига тақдим этиладиган ҳисобот ҳужжатларига;

- давлат махсус жамғармаларидан ижтимоий нафақалар бериш бўйича рўйхатдан ўтказиш ва тўлов ҳужжатларига қўйиш мажбурийдир.

Идентификация рақами солиқ тўловчиларнинг қуйидаги тоифаларига берилади:

1. Юридик шахсларга;

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга асосий яшаш жойи бўйича, доимий яшаш жойига эга бўлмаган, бироқ солиқ мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пайдо бўлган фуқароларга.

Солиқ мажбуриятлари деганда, жисмоний ёки юридик шахсда даромад олиш манбаи мавжудлиги ёки солиқ солишнинг бошқа объекти мавжудлиги тушунилади.

Солиқ тўловчиларни идентификация рақами тўққизта рақамли белгидан иборатдир, дастлабки саккиз рақам солиқ тўловчиларнинг ўз рақамини, охириги тўққизинчи рақам эса Давлат солиқ қўмитасининг идентификация рақам берилишини назорат қилувчи рақам.

Солиқ тўловчининг идентификация рақамини кодлаштириш учун серияли тартиб усулидан фойдаланилади.

Солиқ тўловчиларга бериладиган идентификацион рақамлар 2 таснифланган гуруҳга бўлинган:

20000000Xдан 29999999Xгача юридик шахсларга бериладиган идентификацион рақам;  
40000000Xдан 79999999Xгача жисмоний шахсларга бериладиган идентификацион рақам;  
00000000X дан 19999999X гача  
30000000X дан 39999999X гача ва  
80000000Xдан 99999999X гача қолган оралиқ кодлар зарурият туғилганда ишлатиш мақсадида захира қилинган.

Кодлаштиришнинг мазкур тузилиши ўзгармас ва универсал ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамини бериш ва уларни қўллаш тизимида фойдаланилиши керак.

Юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш у ташкил этилган жой бўйича солиқ инспекцияси томонидан фақат бир марта амалга оширилади. Солиқ тўловчига идентификацион рақам бериш уч босқичга бўлинади ва ҳар бир босқич бир-бири билан узвий боғлиқдир.

1-босқич: Юридик ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтиш билан бир қаторда, давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтади. Давлат солиқ органи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан олган маълумотлари асосида, тегишли шаклларни солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдиради.

2-босқич: Тегишли маълумотлар ишлов бериб бўлингандан кейин, Давлат солиқ кўмитасига компьютер алоқаси орқали юборилади.

3-босқич: Давлат солиқ кўмитаси солиқ тўловчига юридик ёки жисмоний шахсга белгиланган тартибда идентификацион рақам беради ва маълумотларни компьютер алоқаси орқали солиқ инспекцияларига юборади.

Юридик шахсни солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш ўша жойдаги давлат солиқ инспекциясида тўлдирилган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари асосида Давлат солиқ кўмитасида унга идентификация рақами берилганда ҳамда унга давлат солиқ инспекциясида солиқ органларидан рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва идентификация рақами берилгандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Қонунда белгиланган ҳолларда мустақил юридик шахс сифатида иш кўрувчи ҳамда алоҳида ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган

ваколатхоналар ва филиалларини рўйхатдан ўтказишда, рўйхатдан ўтказиш маълумотларида бош корхонанинг идентификация рақами ҳам кўрсатилади.

Жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчиларга идентификация рақами тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи солиқ тўловчи туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида солиқ мажбуриятлари пайдо бўлиши юзасидан рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини тўлдиргандан кейин берилади. Бошқа солиқ тўловчиларга, жисмоний шахсларга рўйхатдан ўтказиш шакллари уйма-уй юриб расмийлаштирилади. Солиқ органлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари ўртасида ахборот айирбошлашни бир хиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорт рақами ва идентификация рақами (шахсий коди) кўрсатилади.

Жисмоний шахсни рўйхатдан ўтказиш яшаш жойи бўйича давлат солиқ инспекциясида фақат бир марта амалга оширилади. Ҳар бир солиқ тўловчи фақат битта идентификация рақамига эга бўлиши мумкин.

Жисмоний шахсни солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш давлат солиқ инспекциясида тўлдирилган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари асосида Давлат солиқ кўмитасида унга идентификация рақами берилгандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ўз паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда Давлат солиқ инспекциясига келиб асосий рўйхатдан ўтказиш маълумотларининг ўзгарганини билдириб, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини тўлдирадilar.

Юридик ёки жисмоний шахс фаолиятида, манзилида ёки ҳисоб рақамида ўзгаришлар бўлса, давлат солиқ инспекциясига белгиланган муддат ичида хабар қилиши керак ва солиқ идоралари солиқ тўловчининг ягона реестрига ўзгартириш киритиши лозим.

Солиқ тўловчининг идентификацион рақами:

- солиқ органларида регистрациядан ўтиш учун керак бўлган ҳужжатларида;

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун олган лицензияларида;

- Вазирлар Маҳкамасининг СТИР бериш тўғрисидаги Қарорига биноан бошқа фаолият тури бўйича шуғулланиш рухсатномаларида;

- тўлов талабномаларида;
- давлат солиқ органларига тақдим этиладиган ҳисоботларида;
- ижтимоий таъминот идораларига тақдим этиладиган ҳужжатларида;
- хўжалик субъектлари ўртасида тузиладиган битим ва шартномаларда;
- хўжалик субъектларида молиявий, мулк ва бошқа мажбуриятлари пайдо бўлганда ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан бошқа вазиятлар пайдо бўлганда кўрсатилиши шарт.

### **3-БЎЛИМ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҲИСОБЛАНГАН ВА ТЎЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИНГ СОЛИҚ ИДОРАЛАРИДА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ**

Солиқ тўловчиларнинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича давлат бюджети олдидаги мажбуриятлари бажарилишини солиқ органларида юритиладиган оператив-бухгалтерлик ҳисоби ёрдамида олиб борилади. Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича оператив-бухгалтерлик ҳисобини юритиш тартиби Давлат солиқ кўмитасининг меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Солиқ ва мажбурий тўловларнинг оператив-бухгалтерлик ҳисоби ҳисоб ва ҳисобот тизими бўлиб, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бюджетга тўлаш учун ҳисобланган ва бюджетга ўтказилган суммаларни, молиявий санкциялар суммаларини, боқиманда ва ортиқча тўлов, ҳисобланган пеня ва бошқа маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг оператив-бухгалтерлик ҳисобини солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтган давлат солиқ инспекцияларида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 127-моддасига биноан солиқ органи солиқ суммасини солиқ тўловчининг ҳисоб-китоблари ва даромадлар тўғрисидаги декларациясида кўрсатилган миқдорда, шунингдек тегишли давлат органлари тақдим этган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқади. Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларини вақтида тақдим этмаса ёки улардаги суммани кўрсатмаган бўлса, солиқ органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқлар ва йиғимлар суммасини ҳисоблаб чиқаришга ва солиқ тўловчига хабарнома беришга ҳақлидир.

Давлат солиқ органлари ходимлари солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисоб варақаларини (ШХВ) юритиш учун қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланадилар:

- юридик шахслар солиқ қонунчилигида белгиланган муддатларда солиқ органларига давлат бюджетига ҳисобот даврида тўлашга ҳисобланган солиқ суммалари акс эттирилган бухгалтерлик ҳисоботларини ва солиқлар бўйича ҳисобларини тақдим этадилар. Ушбу ҳужжатлар асосида солиқ инспектори солиқ тўловчининг шахсий ҳисоб варақасига солиқлар бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган суммаларни ҳисоблаб қўяди;

– солиқ тўловчи юридик шахсларнинг тақдим этган жорий тўловлари ҳақидаги маълумотларидан;

– бюджетга тўлашга ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўлов суммаларини бюджетга ўтказиш учун солиқ тўловчилар банк муассасаларига тўлов топшириқномаларини топширадилар. Ушбу тўлов топшириқномаларида солиқнинг ҳисоб рақами, бюджет классификациясига биноан бюджетнинг даромад қисмидаги бўлими ва параграфи, инспекция номи кўрсатилган бўлиши керак.

Солиқ тўловчиларнинг ШХВдаги суммалари миллий валюта – сўмда юритилади.

Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими (шўъбаси) нинг масъул ходими томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қабул қилинган солиқ ҳисоботларига, солиқ ҳисоботи қабул қилинган сана ва ШХВга киритилиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммасини кўрсатган ҳолда ҳисоблашга қабул қилинган солиқ ҳисоботлари реестри билан бирга 1 иш кунидан ошмаган муддатда ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходимига тақдим этади.

Реестр 2 нусхада тузилади, топширган ва қабул қилган масъул ходимлар томонидан имзоланиб, унинг 1-нусхаси Ҳисобга олиш бўлимида, 2-нусхаси Ҳисоботларни қабул қилиш бўлимида сақланади.

Ҳисобга олиш бўлими учун реестр асосида тақдим қилинган солиқ турлари бўйича ҳисоботлар ШХВларга маълумотлар киритиш ёки киритилган маълумотларни ўзгартириш учун асос бўлади.

Электрон тарзда тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари бўйича ШХВларга маълумотлар киритиш ёки киритилган маълумотлар-

ни ўзгартириш учун асос сифатида Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими ёки шўъбасининг масъул ходимининг электрон имзоси билан тасдиқланган солиқ ҳисоботлари амал қилади. Ҳисобга олиш бўлими масъул ходими, Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими ёки шўъбаси масъул ходими томонидан солиқ ҳисоботида кўрсатиб берилган солиқ суммасини солиқ тўловчининг ШҲВсига киритади ва киритилганлиги тўғрисида солиқ ҳисоботида солиқ суммаси ва санасини кўрсатиб имзо билан тасдиқлайди.

ШҲВга киритилаётган ҳар бир ёзув бўйича ёзув киритилган сана, мазмуни ва ёзув киритиш учун асос бўлган ҳужжат тури ҳамда уларни киритган ходимнинг фамилияси, исми, шарифи ШҲВда акс эттирилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланган, камайтиришга ҳисобланган суммалари бўйича ёзув ШҲВнинг «Ҳисобланган», «Камайтиришга ҳисобланган» суммаларга ажратилган устунларига киритилади.

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими томонидан солиқ тўловчининг ШҲВсига белгиланган тартибда маълумотлар киритилгандан сўнг имзо билан тасдиқланган солиқ ҳисоботлари реестрини 2-нусхаси билан бирга 1 иш кунидан ошмаган муддатда Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими ёки шўъбасининг масъул ходимига тақдим этади. Шу билан бирга, айрим ҳолларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ тўловчи томонидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари тақдим этилади.

Солиқ тўловчи томонидан амалдаги солиқ қонунчилигида кўрсатилган муддатгача солиқ органига ёзма равишда ўзгариш сабабларини аниқ кўрсатган ҳолда белгиланган тартибдаги солиқ ҳисоботи шакллари асосида аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилганда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар қўшимча ҳисоблашга ёки камайтиришга берилган тақдирда, тўлов муддати этиб, тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тури бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи топширилаётган давр учун амалда бўлган солиқ қонунчилигида белгиланган тўлов муддати белгиланади.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан ортиқ бўлса, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйи-

ча солиқ мажбуриятларига, тегишли солиқни тўлаш муддатидан келиб чиқиб мазкур тафовутга қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланади.

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботига кўра ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан кам бўлса, солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан шахсий варақада солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси тафовут миқдори камайтирилганлиги акс эттирилади.

Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисобланган ёки камайтиришга ҳисобланган суммалар ШХВларда мос равишда «Ҳисобланган» ёки «Камайтиришга ҳисобланган» устунларида акс эттирилади.

Солиқ тўловчилар томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги солиқ мажбуриятини бажариш бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тўловларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг 2001 йил 12 январдаги 183-В ва 12-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида»ги Йўриқномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқ тўловчи томонидан ўтказилган ёки солиқ хизмати органлари томонидан ундирилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисида ёзув солиқ тўловчининг ШХВ сига тегишли банк муассасасининг ҳар кунлик шахсий карточкасидан кўчирмаси ҳамда унинг иловасидаги тўлов ва инкассо топшириқномаси ёки бошқа тўлов ҳужжатларнинг нусхаси асосида киритилади.

Солиқ тўловчининг ШХВларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича келиб тушган маблағлар банк муассасаси томонидан маблағ ўтказилганлигини тасдиқловчи қуйидаги банк ҳужжатлари асосида киритилади:

- бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича банк тўлов кўчирмаси;
- солиқ тўловчининг тўлов топшириқномалари ва тўлов квитанциялари;

- солиқ органларининг мажбурий ундирув бўйича инкассо топшириқномалари ва мемориал ордерлар;

- солиқ органи томонидан ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш тўғрисидаги хулосаларига асосан ваколатли органлар тайёрланадиган молия бўлими тўлов топшириқномалари;

- «Камолот» жамғармаси томонидан тақдим этиладиган жамғармага ажратмани тўлаган хўжалик юритувчи субъектларининг банк ва тўлов ҳужжатлари илова қилинган, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати жамғармасига ягона солиқдан ажратма бўйича ундирилган маблағлар реестри;

- фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларига бадал тўлаган солиқ тўловчиларининг реестри;

Хўжалик суди қарорлари асосида қарздор корхоналар молмулки сотувидан тушган маблағнинг Суд ижрочилари томонидан тақдим қилинадиган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилган маблағлар реестри асосида ШХВга киритилади.

Солиқ органига хизмат кўрсатувчи банк муассасаси томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича банк тўлов ҳужжатларининг электрон кўринишидаги шакли «Банк-клиент» дастурий маҳсули орқали ёки қўлда Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими томонидан тегишлилиги бўйича солиқ тўловчининг солиқ тури бўйича очилган ШХВсига киритилади. Банк тўлов ҳужжатларидан кўчирма қоғозда чоп этилган кўринишда олингандан сўнг электрон маълумотлар таққосланади ва фарқ аниқланган тақдирда, аниқлик киритилиб, фарқ бартараф қилинади.

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими тўлов ҳужжатларининг тўлиқ бўлмаслиги натижасида ШХВга кирмай қолган суммалар реестрини тузиб, шу куннинг ўзидаёқ ёзма равишда ушбу суммаларга аниқлик киритилиши тўғрисида банк муассасасига мурожаат қилади.

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими банк маълумоти асосида аниқлик киритилган тўловларни тегишлилиги бўйича солиқ тўловчи ШХВга киритади.

Тўлов ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган даъво қилиш муддатлари тугагунга қадар алоҳида иш жилдларига тикилган ҳолда сақланади.



Айрим ҳолларда солиқ тўловчилар томонидан тўланган тўловлар бўйича банк тўлов ҳужжатлари нотўғри тўлдирилиб ўтказилган деб ҳисобланади. Бундай ҳоллар тўловни амалга оширувчи корхона номи ёки СТИР нотўғри кўрсатилганда, солиқ органи номи ёки СТИР нотўғри кўрсатилганда, тўлов ҳужжати нотўғри расмийлаштирилганда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоб рақами, тўлов мақсади нотўғри ёзилганда, солиқ тўловчининг юридик ёки жисмоний шахс эканлигини аниқлаш имконияти бўлмаганда содир бўлади.

Юқоридаги ҳолатлар аниқланган тақдирда Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими банк муассасасига ёки солиқ тўловчига тўлов ҳужжати бўйича ноаниқликларга аниқлик киритиб бериш юзасидан мурожаат қилади ва ноаниқликлар бартараф этилгандан сўнг ШХВга тегишли ўзгартириш киритади.

Солиқ тўловчи томонидан нотўғри ўтказилган маблағни қайтариш тўғрисидаги аризасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

- солиқ тўловчининг номи ва СТИРи;
- солиқ тўловчининг юридик манзили;
- нотўғри ўтказилиш ҳисобига ортиқча тўлов ҳосил бўлган тўлов тури;
- нотўғри ўтказилиш ҳисобига ортиқча тўлов ҳосил бўлиш сабаби;
- тўлов қайтариладиган банк реквизитлари.

Нотўғри ўтказилган сумма солиқ органи томонидан амалдаги солиқ қонунчилигида белгиланган муддатда ва тартибда солиқ тўловчига қайтарилади.

Нотўғри тўланган маблағ солиқ тўловчининг ёзма мурожаатига асосан қайтарилгандан сўнг банк тўлов ҳужжатлари кўчирмаси асосида қайтарилган сумма тўғрисида ёзув ШХВга киритилиб, нотўғри тушган маблағ ҳисобига ҳосил бўлган ортиқча тўлов суммаси ёпилади.

Айрим солиқ тўловчилар «Ноль» даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлайдилар. Бунда «Ноль» даражали ставка ҳисобида ортиқча тўлов ҳосил бўлади. ҚҚС бўйича манфий қолдиқ ҳисобига ҳосил бўлган Молия вазирлиги томонидан қайтариб берилади. Солиқ тўловчининг ШХВсида қайтарилган маблағ қайтарилганлиги тўғрисидаги хати ва унга илова қилинган банк ҳужжати нусхаси ҳисобланади. Солиқ тўловчининг

ШХҶВсига маблағ қайтарилганлиги тўғрисидаги ёзув санаси сифатида Молия вазирлигининг солиқ тўловчига маблағни қайтарилганлиги юзасидан тақдим қилинган тўлов топшириқномасида кўрсатилган сана ҳисобга олинади.

Маълумки, солиқ текширувлари натижасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар қўшимча ҳисобланиши ёки камайтирилиши мумкин. Шунингдек, солиқ ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жарималар қўлланилади. Солиқ текширувини ўтказган солиқ органининг масъул ходими, солиқ текшируви натижаси бўйича қарор нухасини солиқ тўловчига топширган кундан эътиборан бир кун ичида солиқ текшируви натижаси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан қўшимча(камайтиришга) ҳисобланган тўловлар, қўлланилган молиявий жарималар, пенялар тўғрисида ШХҶВга ўтказиш учун солиқ хизмати органи раҳбари ёки ўринбосарининг муносабат белгиси қўйилган маълумотни ҳисобга олиш бўлимига тақдим этади.

Ҳисобга олиш бўлими масъул ходими тақдим этилган маълумот асосида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича қўшимча ҳисобланган ёки камайтирилган суммаларни, молиявий жарималарни ва пеняларни ШХҶВга ўтказилади. Маълумот нухаси ҳисобга олиш бўлими масъул ходимида сақланиб, рўйхатга олиш китобида қайд қилиб борилади. Тақдим этилган маълумот билан дастурий маълумот ўртасида фарқ аниқланган тақдирда, ҳисобга олиш бўлими масъул ходими аниқланган фарқ тўғрисида ДСИ бошлиғи номига билдирги киритиб, тафовут белгиланган тартибда бартараф этилгандан сўнг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича қўшимча ҳисобланган ёки камайтирилган сумма, молиявий жарималар ва пенялар ШХҶВга ўтказилади.

Солиқ кодексининг 104-моддасига асосан ўтказилган солиқ текширувлари натижаси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қўшимча ҳисобланган суммалар натижасида ҳосил бўлган солиқ корзинаси солиқ тўловчи Давлат солиқ хизмати органи қарори нухасини олган кундан эътиборан 30 кун ичида солиқ тўловчи томонидан тўланмаслиги солиқ органи томонидан ушбу тўланмаган суммани мажбурий ундирувга қаратиш учун асос бўлади. Солиқ тўловчи томонидан солиқ текшируви натижаси бўйича қарорда кўрсатилаган солиққа оид

ҳуқуқбузарликлар бартараф этилган ҳамда ҳисобланган солиқлар мажбурий тўловлар ва пенялар суммаси тўланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг қарорига асосан солиқ тўловчига нисбатан қўлланиладиган жарима қисми бекор қилинган ҳисобланади. Бунда текшириш ўтказган масъул ходим томонидан Солиқ кодексининг 104-моддаси талаблари асосида солиқ хизмати органи раҳбари ёки ўринбосари номига билдирги киритилиб, унда ўтказилган текшириш натижаси бўйича қарорда кўрсатилган жарима қисми бекор қилиниши билдирилади. Солиқ хизмати органи раҳбари томонидан билдиргида келтирилган ҳолат бўйича муносабат белгисидан келиб чиқиб, Ҳисобга олиш бўлими ходими томонидан ШХҲВга тегишли ўзгартириш киритилади.

Солиқ кодексининг 112-моддасига асосан солиқ текшируви натижаси юзасидан Хўжалик Судига молиявий санкция қўллаш учун юборилган текширув материаллари бўйича Суд қарори солиқ органига келиб тушгандан сўнг 1 иш кунидан ошмаган муддатда текширув ўтказган масъул ходим томонидан қўлланилган молиявий санкция суммасини ШХҲВга белгиланган тартибда киритиш учун маълумотнома тақдим этади. Ҳисобга олиш бўлими масъул ходимига солиқ хизмати органи раҳбари ёки ўринбосари томонидан муносабат белгиси қўйилган маълумот ШХҲВга молиявий жарима суммасини киритиш учун асос бўлади.

Айрим ҳолларда Ҳукумат қарори билан солиқ тўловчиларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзи ва пеняларни тўлов муддатини кечиктириш, ҳисобдан чиқариш ва бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилади.

Солиқ кодексининг 54-моддасига асосан солиқ қарздорлигини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

Тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ой муддатга берилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзини, шу жумладан пеня тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб

тўлаш ва ҳисобдан чиқариш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Банкротлик тўғрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ҳамда Адлия вазирлигида 2005 йил 14 январда 1442-сон билан рўйхатга олинган «Бюджет ва Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларни ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»<sup>28</sup>ги Низомга асосан амалга оширилади.

Солиқ қарзи суммаларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш ва ҳисобдан чиқариш ваколатли органлар қарорлари, жумладан суд қарори, Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг йиғилиш баённомаси асосида юқори солиқ органининг ёзма кўрсатмаси бўйича амалга оширилади.

Солиқ тўловчи томонидан топширилган солиқ ҳисоботлари, шунингдек, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари, маълумотномалар, ўтказилган солиқ текшируви натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда кўлланилган пеня ва жарималар бўйича солиқ қарзи суммаларини ваколатли органлар қарорлари асосида ҳамда амалдаги қонунчилик асосида соддалаштирилган солиқ тизими жорий қилинган янги рўйхатдан ўтган микрофирма ва кичик корхоналарга берилган имтиёз асосида тўлов муддатини узайтириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш тартиби солиқ тўловчининг ШХВда «Тўлов муддати кечиктирилган сумма» устунда, муддати тугагандан сўнг қайта тикланган сумма эса «Тўлов муддати тикланган сумма» устунда акс эттирилади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзи ва пеня суммаларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш тегишли ваколатли орган баённомаси ёки қарори олингандан сўнг қуйидаги тартибда амалга оширилади:

---

<sup>28</sup> Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг 2004 йил 10 декабрдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган.

Ваколатли органнинг йиғилиш баёни ёки қарорида белгиланган талабларга асосан солиқ тўловчининг солиштирма далолатномасида мавжуд солиқ қарзи суммаларини ортиқча тўлов ҳосил бўлишига йўл қўйилмаган ҳолда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида Ҳисобга олиш бўлимнинг масъул ходими томонидан солиқ тўловчи билан солиқ хизмати органи ўртасида 3 нусхада солиштирма далолатнома тузилади.

Солиштирма далолатнома, солиқ хизмати органи раҳбари ёки ўринбосари, масъул ходимлари ҳамда солиқ тўловчи субъектнинг бошлиғи ва бош ҳисобчиси томонидан тасдиқланади. Унда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ваколатли органнинг баённома қарори талаблари, шунингдек солиқ қарзини тикланиш муддати кўрсатилади. Ушбу далолатномага асосан ШХҲга тегишли ўзгаришлар киритилади.

Солиқ тўловчининг тегишли солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзи ва пеня суммаларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган солиқ қарзи суммалари бўйича юқори солиқ органи томонидан тақдим этилган жадвал шакллари белгиланган тартибда тўлдириб, солиқ органи раҳбари ёки ўринбосари имзоси билан тасдиқланган ҳолда, расмийлаштирилган солиштирма далолатномасининг бир нусхаси илова қилиниб, 2 иш кунидан ошмаган муддатда Давлат солиқ бошқармасига тақдим этилади.

Ҳисобга олиш бўлимнинг масъул ходими томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича солиқ қарзи суммаларини тўлов муддати кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган солиқ тўловчининг банк муассасасидаги 2-картотекада турган ҳар бир солиқ тури бўйича қўйилган инкассо ва тўлов топшириқномаларини, дебитори ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномаларини ҳамда валюта ҳисоб карточкасига қўйилган тақдимномалар ижросини вақтинча тўлов муддати кечиктирилган санагача тўхтатиб туриш учун солиқ тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка ёзма равишда маълум қилинади. Ҳисобга олиш бўлими масъул ходими томонидан муддати кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган солиқ қарзи суммасига пеня ҳисоблаш шу муддатгача тўхтатилади.

Кечиктирилган солиқ қарзи миқдорида мажбурий ундирув ҳаракатлари вақтинча тўлов муддати кечиктирилган санагача

тўхтатилади. Ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинишига қадар сўндирилган солиқ қарзи қайтарилмаслиги ёки навбатдаги тўловлар ҳисобига эътиборга олинмаслиги керак. Солиқ қарзини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган даврда солиқ тўловчининг жорий тўловлари бўйича солиқ қарзи мавжуд бўлмаса ҳамда ваколатли орган қароридида кўрсатиб ўтилган бўлса, солиқ органи томонидан ундирув амалдаги солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда тўлов муддати кечиктирилган солиқ қарзи суммасига қаратилиши мумкин.

Тўлов муддати кечиктирилган даврда солиқ тўловчининг тўлов муддати кечиктирилган тўлов тури бўйича ортиқча тўлов суммаси ҳисобот, қайта ҳисобот ёки олдиндан тўлов натижасида ҳосил бўлган тақдирда, ортиқча тўлов суммаси миқдорида муддати кечиктирилган солиқ қарзи суммаси тикланиб ортиқча тўлов ва муддати кечиктирилган солиқ қарзи миқдори ушбу суммага камайтиради.

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходим томонидан ҳар ой якуни бўйича ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасигача муддати кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган солиқ қарзи ва пенянинг қолдиқ суммалари тўғрисида юқори солиқ органига маълумот тақдим қилиб боради.

Тўлов муддатини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш имкони бериш бўйича белгиланган муддат тугагандан сўнг мажбурий ундириш бўйича вақтинча ижроси тўхтатилган барча ҳужжатлар қайта ижрога қаратилади.

Айрим ҳолларда солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзи, пеня ва молиявий санкциялари ҳисобдан чиқарилади ва ҳисобдан чиқариш ваколатли органнинг йиғилиш баёни олингандан сўнг қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими томонидан солиқ тўловчи билан солиқ хизмати органи ўртасида ваколатли органнинг йиғилиш баёнида кўрсатилган санага тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзи ва пенялари тўғрисида ўзаро икки ёқлама имзо ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда 3 нусхада солиштирма далолатнома тузилади.

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими томонидан солиқ тўловчи билан солиқ органи ўртасида ваколатли органнинг йиғилиш баёнида кўрсатилган санага тегишли солиқлар ва

бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарзи ва пенясини ҳисобдан чиқариш тўғрисида солиштирма далолатнома тузилади.

Агар ваколатли органнинг йиғилиш баёнида ҳисобдан чиқариладиган солиқ қарзи ва пеня аниқ кўрсатилган бўлса, ортиқча тўлов ҳосил бўлишига йўл қўйилмаган ҳолда қарордаги сумма олинади.

Солиштирма далолатномада солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича ҳисобдан чиқарилаётган солиқ қарзи ва пеня тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Солиштирма далолатномага асосан солиқ тўловчининг ШХҶда ҳисобдан чиқарилган миқдорда солиқ қарзи ва пеня суммаси камайтирилади.

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи ва пеня тўғрисида маълумотларни акс эттирувчи жадвални белгиланган тартибда тўлдириб, солиқ органи раҳбари ёки ўринбосари имзоси билан тасдиқланган ҳолда, расмийлаштирилган солиштирма далолатномасининг бир нусхасини илова қилиб, 2 иш куни ичида юқори солиқ органига тақдим этади.

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи суммалари бўйича солиқ тўловчининг банк муассасасидаги 2-картотекада турган ҳар бир солиқ тури бўйича инкассо ва тўлов топшириқномалари ва дебитори ҳисоб рақамига ушбу суммага қўйилган инкассо топшириқномалари ҳамда валюта ҳисоб карточкасига қўйилган тақдимномаларни ижросиз чақиртириб олиш учун солиқ тўловчининг банкига ёзма мурожаат қилинади.

Масъул бўлим томонидан ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи суммаси бўйича мажбурий ундириш учун ижрода бўлган барча ҳаракатлар, жумладан, огоҳлантириш, талабнома, суд идораларига юборилган аризалар ва ижродаги суд буйруқлари белгиланган тартибда ижродан чиқарилади.

Маълумки, Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона солиқ тўлови тўловчиларига ҳисобланган ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш имконияти берилган.

2005 йил 2 августдаги 1502-сонли «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш

муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида амалга оширилади.

Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими ёки шўъбаси томонидан солиқ тўловчининг кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги аризаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, кечиктириш ҳуқуқини олишга ҳақли бўлса 3 нусхада хулоса тайёрланади, Ҳисобга олиш бўлимига ва солиқ тўловчига ягона солиқ тўлови бўйича кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисида 1 нусхадан хулоса тақдим этилади.

Хулосалар Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими ёки шўъбасида рўйхатга олиниб, 1-нусхаси хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботлар йиғма иш жилдида, 2-нусхаси Ҳисобга олиш бўлимининг алоҳида иш юритиш жилдида сақланади.

Хулоса Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими томонидан Ҳисобга олиш бўлимига ва солиқ тўловчига, солиқ тўловчи учун ягона солиқ тўловини тўлашнинг биринчи муддати бошланишига кўпи билан 10 кун қолгунгача тақдим этиб борилади.

Ҳисобга олиш бўлимининг масъул ходими кечиктириш ҳуқуқига эга бўлган ягона солиқ тўлови тўловчиси бўйича тегишли хулоса олгандан сўнг ягона солиқ тўловидан топшириладиган чораклик солиқ ҳисоботлари асосида ҳисобланадиган солиқ суммалари тўлов муддатини хулосада белгиланган муддатгача кечиктириш учун ШХВнинг «Тўлов муддати кечиктирилган сумма» устунида акс эттириб боради.

Солиқ тўловчининг ягона солиқ тўловидан ҳисобланган суммаларининг тўлов муддатини кечиктириш бўйича белгиланган муддат тугагандан сўнг солиқ органи томонидан жами тўлаш муддати кечиктирилган ягона солиқ тўлови суммасини ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўлаш тўғрисидаги ёзувни солиқ тўловчининг ШХВсига киритади.

Солиқ Кодекси талаблари асосида кечиктириш ҳуқуқини олган солиқ тўловчи кечиктириш ҳуқуқи амал қилиш даврида фаолиятини тўхтатса, кечиктириш ҳуқуқи бекор қилинади ҳамда ШХВда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобланган ягона солиқ тўлови қайта тикланади ва белгиланган тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчиларнинг кечиктириш ҳуқуқидан воз кечиш тўғрисидаги ёзма мурожаати асосида муддати кечиктирилган сумма солиқ органи томонидан ШХВда қайта тикланиши мумкин.



Солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ШХВларида пеня ҳисоблаш 2007 йил 9 октябрдаги 1724-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги Низом<sup>29</sup> асосида амалга оширилади. Пеня солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақаларида акс эттирилган, боқиманда суммасидан тўлов муддати тугаган кундан бошлаб ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз миқдорида ҳисобланади. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

#### **4-БЎЛИМ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИ ЙИЛЛИК ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тартибга солувчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Республикада бозор ислоҳотлари амалга ошириладигани ҳамда эркин тадбиркорлик янада ривожланаётгани муносабати билан жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Агар аввалги даврларда турли тоифадаги ходимларнинг даромадлари маъмурий йўл билан белгиланган бўлса, ҳозирда тадбиркорлик соҳасидаги олиндиغان даромадларига кенг йўл очиб берилганлиги муносабати билан даромадлар миқдори бир мунча табақалашиб бормоқда. Даромадларни декларациялаш асосида солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у кам ва юқори даромад олувчи жисмоний шахсларнинг даромадларини адолатли тақсимланишига хизмат қилади.

Қонунчиликда жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ставкалари солиқ солишнинг прогрессив шкаласи кўри-

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 9 октябрда 1724-сон билан рўйхатга олинган Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 11 сентябрдаги 2007-54-сон қарори билан тасдиқланган.

нишида белгиланган. Чунончи, 2010 йилда амалдаги тартибга мувофиқ даромад миқдорига қараб солиқ ставкалари ошиб боради, энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача, 5 бараваридан 10 бараваригача ва 10 бараваридан ортиқ даромаддан солиқ ставкалари тегишлича 11%, 17% ва 22%лик ставкалар бўйича ушла-нади.

Бунда «вертикал адолат» деб аталувчи қоидага амал қили-ниши таъминланади. Яъни, камроқ даромад оладиган шахслар даромад солиғини паст ставкалар бўйича, кўпроқ даромад ола-диганлар эса, тегишлича юқориноқ ставкалар асосида тўлай-дилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фуқаролар даромадлари-ни декларациялашда ўзгаришлар юзага келди. Жами йиллик да-ромад таркибига киритилган мулкый даромад бошқа даромад-лар билан бир хил муддатда жами йиллик декларациялаш даври-да тақдим этиларди. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган ва 2008 йилга қадар амалда бўлган Солиқ кодексига мувофиқ мулкый даромад жами йиллик даромаднинг таркибида фақат йиллик да-ромадлар билан бирга декларацияланар эди. Ўзбекистон Рес-публикасининг 2007 йил 25 декабрда ЎРҚ-196 сон Қонуни би-лан тасдиқланган Солиқ кодексига мувофиқ мулкый даромад си-фатида қаралган мол-мулкни ижарага беришдан даромад ола-диган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган да-ромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг 5 кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадлари-дан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича келгуси йилнинг 15 январига қадар ҳисоблаб чиқарилади. Йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 15 мартигача солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбе-кистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари киради:

мулкый даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солилмаган бўлса;

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улар-дан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этмасликлари мумкин.

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида даромадлар олувчи жисмоний шахслар бундай фаолиятни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган жисмоний шахс даромадлар олиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда у ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш ҳуқуқига эга, бироқ чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва улардан фойдаланиш учун зарур материаллар олишга доир харажатлар;

фақат фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ижро этиш ёки улардан бошқача тарзда фойдаланиш мақсадида фойдаланиладиган бино ва мол-мулк ижарасига доир харажатлар.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб

қолинган суммалари тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома илова қилинади.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация шакли мутасадди идоралар томонидан тасдиқланади ҳамда унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш жойи манзили;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар турларга ажратиб кўрсатилган ҳолда олинган жами йиллик даромад;
- даромадларнинг манбалари;
- даромад олиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларнинг суммалари;
- жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқ бўйича имтиёзлар;
- ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси;
- ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация бланкалари солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан бепул берилади.

Жисмоний шахс тақдим этган ўзининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда тўланиши лозим бўлган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи суммасининг камайишига олиб келувчи хатолар аниқланган тақдирда, жисмоний шахс декларацияга зарур ўзгаришлар киритиши шарт.

Агар жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлаш муддати тугагунига қадар берилса, солиқ тўловчи жавобгарликдан озод қилинади.

Агар жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлаш муддати тугаганидан кейин, бироқ хатолар давлат солиқ хизмати органи томонидан аниқлангунига қадар берилса, солиқ тўловчи солиқнинг етишмаётган суммасини ҳамда унга тегишли пеняни тўлаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилади.

Жисмоний шахс давлат солиқ хизмати органининг тақдим этилган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда аниқланган хатолик тўғрисидаги билдирувномани

олган кун давлат солиқ хизмати органи томонидан хатолик аниқланган кун деб ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади. Шу билан бирга, декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади. Лекин чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти солиқ солиниши лозим бўлган даромад келтираётган фаолиятини календарь йили ичида тугатган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда жорий солиқ даврида ҳақиқатда олган даромадлари тўғрисидаги декларация мазкур жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетишидан бир ой аввал тақдим этилиши лозим. Ушбу ҳолатда чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан даромадлар тўғрисидаги декларация бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини тўлаш декларация топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида амалга оширилади. Агар чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти жорий йилнинг 1 февралига қадар доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган бўлса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

Грант олган жисмоний шахс даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшираётганда грант бўйича олинган даромад суммасини, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи миқдорини, шунингдек ваколатли органнинг тегишли хулосасини кўрсатади.

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топшириш-

га ҳақлидир. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ тўланган сана қуйидагилардир:

юридик шахслар ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўлангани тақдирда – уларнинг банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун;

жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда – банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳисобга олинган ҳолда, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ўзаролик принципи бўйича тугатилиши ёки чекланиши мумкин.

Жисмоний шахслар томонидан жами даромадни декларациялаш тартибини бузганлик учун санкциялар:

Декларацияни тақдим этиш тартибини бузганлик учун Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда молиявий жазо чоралари назарда тутилган.

Декларацияни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун:

- энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда (*ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174-моддаси учинчи қисми*);

- маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида у такроран содир этилганда – тўлов муддати ўтказиб юбо-

рилган хар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўланади.

Декларация узрли сабаблар (хизмат сафарида бўлиш, касаллик ва бошқалар)га кўра ўз вақтида тақдим этилмаган ҳолларда, солиқ инспекциясига декларация билан бирга, қўшимча тарзда тушунтириш хати ва кечикиш сабабини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Агар декларацияни тақдим этиш тартибига риоя қилмаганлиги учун солиқ тўловчига жарима солинганда ёки даромад солиғи тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ инспекцияси унга жарима (боқиманда, пеня)ни ихтиёрий тўлаш тўғрисида талабнома юборади.

### **5-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ ХИЗМАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ**

Одатий ҳўжалик фаолияти давомида амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиш ва солиқ солишнинг тўғри вариантини қабул қилиш заруратини юзага келтирадиган ностандарт вазиятлар бўлиши мумкин. Баъзан саволлар семинарлар ёки ўқув курсларида иштирок этгандан кейин туғилади. Гоҳида бухгалтер солиқ ҳисоботини топшириш чоғида бошқа бухгалтерлар билан суҳбатлашгач, янглиш қарорга келиши мумкин. Натижада, у ана шу масалани ойдинлаштирамоқчи бўлади. Зеро, бу масала корхона фаолиятини режали текшириш вақтида ҳам юзага келиши мумкин.

Амалиётда бухгалтер кўпинча савол билан солиқ органлари га мурожаат қилади, чунки улар солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Солиқ маслаҳатининг ушбу тури молиявий томондан энг манфаатли, чунки солиқ органлари тушунтиришларни бепул берадилар ва муаммо туғдирмайди, зеро олинган жавобга мувофиқ ҳаракат қилиб, сиз ҳар доим унинг муаллифларини рўкач қила оласиз.

Олинаётган маслаҳатнинг сифати қўйилган саволнинг очиқ-ошкоралигига боғлиқ. Яъни солиқ тўловчи солиқ органига сўров

тайёрлаётганда ўз саволини аниқ-равшан ифодалаши керак. Агар у солиқ имтиёзларини қўллашга тааллуқли бўлса, имтиёз олиш ҳуқуқини берадиган меъёрий ҳужжат кўрсатилиши даркор. Сўровда фаолият коди, корхона турини кўрсатиш аниқса муҳим. Агар саволлар бир нечта бўлса, уларни рақамлаган маъқул. Ижрочининг реквизитларини кўрсатиш ҳам маъқул бўлади. Бу сўровни кўриб чиқаётган солиқ хизмати ходими саволга тўлиқ жавоб тайёрлаш учун зарур бўлган муайян жиҳатларни аниқлашда сиз билан боғлана олиши учун зарур. Бундай ҳолларда қўшимча ахборотни тезликда тақдим этиш керак, чунки солиқ тўловчиларнинг сўровларини кўриш учун муайян муддат берилади. Ўз вақтида зарур ахборотни олмаган, сизнинг мурожаатингиз устида ишлаётган давлат солиқ органи ходими ўзида бўлган маълумотлар асосида жавоб тайёрлаб, бунда сиз учун муҳим бўлган қандайдир нозик жиҳатларни ҳисобга олмаслиги ёки тушунтириш бериш муддатини кечиктириб юбориши мумкин. Бу иккала ҳол ҳам унинг манфаатига зиддир.

Баъзан солиқ тўловчилар ўз манзилларини нотўғри кўрсатдилар ёки сўровни эски намунадаги, амал қилмаётган реквизитлар кўрсатилган фирма бланкида жўнатадилар. Вақтида ва сифатли жавоб олиш учун мурожаатнинг ана шу томонларига ҳам эътибор қаратиш керак.

Сўров тақдим этишнинг изчиллигига риоя қилиш муҳим масала ҳисобланади. Уни корхона рўйхатдан ўтказилган солиқ инспекциясига юбориш мақсадга мувофиқдир. Баъзилар хатни дарҳол марказий маҳкамага, яъни Давлат солиқ қўмитасига юборган яхши деб ҳисоблайдилар. Бироқ бир қатор сабабларга кўра, сўров қуйи солиқ идораларига юборилиши мумкин, бу эса қўшимча вақтни олади.

Баъзида солиқ тўловчи туман солиқ инспекциясининг тушунтиришига қўшилмайди, шундай ҳолларда юқори инстанцияга мурожаат қилиш лозим. Сўровда туман солиқ инспекциясидан тушунтиришни олганлигингиз ва унга эътирозингиз борлигини кўрсатиб ўтишингиз керак. Ушбу масала бўйича ўз нуқтаи назарингиз ёки позициянгни баён этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, туман солиқ инспекциясининг тушунтириш нухасини илова қилиш лозим.

Солиқ органларидан тушунтиришлар олишдан ташқари, консалтинг ва аудиторлик фирмалари билан солиқ тўғрисидаги қонунларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳат олиш амалиё-



ти мавжуд. Бу хизматларни улар шартномавий шартларда муайян ҳақ эвазига кўрсатадилар. Амалиётда солиқ солишга доир маслаҳатга шартнома, одатда, низоли ва муаммоли вазиятлар юзага келганда тузилади. Кўпинча солиқ солиш бўйича тармоқ йўриқномалари ёки низомлари ишлаб чиқишда ҳам маслаҳатчиларнинг хизматларига мурожаат қиладилар.

Маслаҳат хизматларининг баҳоси саволнинг мураккаблиги, маслаҳатчининг масъулияти ва малакаси, у томонидан текшириш чоғида тушунтириш ҳимоясини таъминлаши ва бошқа омилларга боғлиқдир. Агар саволлар мураккаб бўлмаса, бундай маслаҳатлар солиқ тўловчига арзонга тушиши мумкин. Солиқ масалалари бўйича консалтинг бир марталик шартномалар ҳамда хизмат кўрсатишга абонентлар бўйича амалга оширилади. «Бир марталик» хизмат кўрсатилганда тушунтириш бераётган мутахассиснинг билимдонлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Зеро, бундай ўзаро муносабатлар ҳеч қандай мажбуриятни юкламайди. Шу сабабли йирик солиқ тўловчилар абонент хизмати кўрсатилишига шартнома тузиш учун ҳаракат қиладилар.

Ушбу маслаҳат шаклининг афзалликлари шундан иборатки, консалтинг фирмаси солиқ тўловчи билан узоқ муддатли контракт тузиб, ўз тавсияларига бир марталик мижозларга бериладиган маслаҳатларга қараганда жиддийроқ муносабатда бўлади. Зеро, доимий равишда маслаҳат бериб, ҳамкорлик қилаётган корхона фаолиятининг ўзига хос томонларини чуқур ўрганади. Бу эса кўрсатиладиган хизматлар сифати яхшиланишида муҳим роль ўйнайди. Абонент хизмати кўрсатишнинг яна бир асосий афзалликларидан бири, олинadиган маслаҳатларнинг миқдори чекланмаганлиги ҳисобланади.

Маслаҳат беришнинг солиқ органлари ва профессионал фирмалардаги иккала варианты ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эгадир. Солиқ органларидан олинadиган маслаҳатлар молиявий жиҳатдан манфаатли, шартномавий асосда кўрсатилган маслаҳатлар эса солиқни режалаштириш ва солиқ солиш жараёнларини мақбуллаштириш чоғида яхши иқтисодий самара беради.

Олий Мажлис томонидан «Солиқ маслаҳати тўғрисида»<sup>30</sup>ги Қонун қабул қилиниши билан республикамиз молия жабҳаси-

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикасини Қонуни. 21.09.2006 й. № ЎРҚ-55

нинг ғоятда муҳим дастаги бўлган солиқ маслаҳатининг вужудга келиши учун ҳуқуқий асослар белгилаб берилди. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шароитида молиявий хизматлар бозорининг аудит, консалтинг, микрокредитлаш, баҳолаш хизматлари, адвокатура ва ҳоказо субъектлари билан бир қаторда, солиқ маслаҳати ҳам муваффақият билан фаолият юритади.

Ушбу хизматнинг истиқболдаги ривожланиши юқоридаги хизматлар билан чамбарчас боғлиқ. Бизнес хизматлари бозорининг бугунги ҳолати бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш соҳаси билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат сўраб кимга мурожаат қилиш кераклигини танлаш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига турли хил хизматлар кўрсатишни кенг йўлга қўйиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари – банк-молия, сугурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бораётир.

Банк-молия хизматлари молиявий инфратузилманинг муҳим элементи ҳисобланиб, тўловлар ва жамғармаларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу хизматнинг анъанавий турлари замонавий иқтисодиётда кенг тарқалган бўлиб, улар қуйидагилар:

- лизинг бўйича хизматлар;
- банк хизматлари;
- аудиторлик хизматлари;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматлар ва ҳоказо.

Бундан ташқари, молия хизматларининг ноанъанавий турлари мавжудки, улар яққол кўзга ташланмайди. Аммо ривожланган мамлакатларда шундай ноанъанавий хизматлар ялпи маҳсулот шаклланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бозордаги иштирокчиларнинг мақсадлари турлича бўлади ва уларнинг молияни бошқариш бўйича етарли билим ва ахборотга эга бўлиши лозимлиги ушбу тизимда хизматлар мавқеининг ошишига асос бўлмоқда.

Солиқ тизимида хизматлар даражасини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида юқорида зикр этилган «Солиқ

маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонун асосида солиқ тизими доирасидаги қўйидаги хизматларга эътибор қаратамиз:

- мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари бўйича маслаҳат хизматлари. Фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга олган даромадлари ва харажатлари таснифи бўйича солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш ҳамда уларни тўлаш тартиби бўйича тегишли кўрсатмалар беради;

- солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатиш. Бунда, хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солишда зарур бўлган ҳужжатлар, ҳисобот шакллари, турлари, ҳисобот топшириш муддатлари ва уларнинг тўлдирилиши лозим бўлган жадваллари бўйича тегишли кўрсатмалар беради. Шунингдек, мижозга ҳар бир солиқ турлари бўйича солиқ солинадиган ставкалар ва қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар тўғрисида, солиқ идоралари ва хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий билимлар бериб боради;

- судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилиш. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятида солиқ солиш масалалари бўйича мижоз номидан мазкур ҳолатга аниқлик киритиб, ўз хулосасини суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга тақдим этади;

- мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар даражасини камайтириш бўйича маслаҳатлар бериш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш.

Қонунда солиқ маслаҳати тушунчасига – солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятдир, дея баҳо берилган. Шу сабабли солиқ маслаҳати ташкилоти алоҳида фаолият юритиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга мустақил хизмат кўрсатиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши тақиқланган. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти акциядор-

лик жамиятидан ташқари, исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга, ташкилотда малака сертификатини олган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчиси ҳисобланиб, ташкилот раҳбарлигида иш тажрибасига эга бўлган солиқ маслаҳатчиси фаолият юритиши белгилаб ўтилган.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи тижорат ташкилоти ҳисобланади. Бу ташкилот мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиши билан бирга, бозор иқтисодиёти ривожланаётган ҳозирги даврда бозор муносабатларининг тўлақонли иштирокчисига айланиб боради.

Қонунда солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижоздан (ишонч билдирувчидан) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа маълумотлар ҳамда солиқ маслаҳати бериш жараёнида юзага келган масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш, солиқ солиш масалалари бўйича давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муурожаат қилиш (илтимос қилиш, таклифлар киритиш, сўровлар, аризалар, шикоятлар бериш ва бошқа шу кабилар), солиқ маслаҳатида иштирок этишга бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш, шунингдек, мижоз (ишонч билдирувчи) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, солиқ маслаҳати беришни рад қилиш ҳуқуқлари белгилаб ўтилган. Шу билан бир қаторда, Қонунда солиқ маслаҳати ташкилотининг мажбуриятлари ҳам кўрсатилиб, бунда мижознинг (ишонч билдирувчининг) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланиши, солиқ маслаҳатини амалга ошираётганда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилаётганда мижознинг (ишонч билдирувчининг) талабига биноан малака сертификатини кўрсатиши, мижозга (ишонч билдирувчига) унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар, шунингдек қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда мижозга (ишонч билдирувчига) маълум қилиши белгиланган.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда солиқ тизимида хизматларни кенгайтириш бўйича кўплаб ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга, солиқ хизматларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини яратиш долзарб муаммолардан бирига айланган. Солиқ маслаҳати тизими ривожлантиришда маҳаллий ҳокимият органларининг аҳамияти каттадир. Чунки молиявий бозорда солиқ маслаҳатчиларига талаб ошиб боришини ҳисобга олиб, солиқ хизматини кўрсатувчи ташкилотлар сонини ошириш ва солиқ хизмати бозорини мониторинг қилишни ва шу асосда соҳани такомиллаштиришнинг янги йўллари татбиқ этишни талаб қилади.

Иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида тадбиркордан ҳам иқтисодчи, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам яхши менежер-бошқарувчи бўлишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Лекин тадбиркор бу кўникмаларни бирданига юқори савияда эгаллай ололмайди, албатта. У ўз бизнесини қонуний юритиш, имтиёзлардан тўғри фойдаланиш, қолаверса, солиқларни жарималарсиз тўлаши учун юқори малакали мутахассисга муҳтожлик сезади. Бу мутахассис – солиқ маслаҳатчисидир.

Бу мавзуда гап кетганда, «солиқ хизмати ходимлари ёки аудиторлар ҳам солиқ тўловчига ёрдам кўрсата олади-ку» дейиш мумкин. Лекин солиқ тўловчилар ўз муаммоларини ҳал этишда ҳамisha шу мутахассислар ёрдамига таяниб келишяпти. Бироқ, бундай кўмак солиқ маслаҳатчилари томонидан сифатли тарзда кўрсатилганда солиқ тўловчининг солиқ қонунчилиги бўйича мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариши таъминланади.

Қолаверса, жаҳон тажрибасида кузатилишича, солиқ ходимлари ҳамма вақт ҳам солиқ тўловчи манфаатидан келиб чиқиб қарор қабул қилавермайдилар. Улар кўпинча бюджет олдидаги фискал функциялар нуқтаи назаридан келиб чиқиб масалага ёндашадилар. Солиқ маслаҳатчиси эса кўпроқ солиқ тўловчи манфаатларини ҳимоя қилади. Аслида солиқчининг ҳам, солиқ маслаҳатчисининг ҳам мақсади битта – маблағларнинг давлат бюджетига тўлиқ тушишини назорат қилишдир.

Солиқ маслаҳати институти асосан солиққа оид муносабатларни қамраб олганлиги сабабли унинг хизмати бирмунча аниқ ва пухтароқ амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш, шунингдек, солиққа тортиш соҳасидаги

ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишлар бўйича шикоятларни ҳал этиш алоҳида касб маҳоратини талаб қилади.

Шу жиҳатларни эътиборга олиб, солиқ тўловчиларга профессионал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида солиқ маслаҳати институти ташкил қилинди.

Солиқ маслаҳатчиси мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш бўйича маслаҳат беради ҳамда солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда ёрдам кўрсатади. Шунингдек, судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда айнан шу масалалар бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ёки унинг топшириғига кўра вакиллик қила олади.

Кимлар солиқ маслаҳатчиси бўла олиши мумкин. Солиқ маслаҳатчиси мутахассислигини «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори<sup>31</sup>, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги<sup>32</sup> ва «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисида»ги<sup>33</sup> Низомлари тартибга солади. Малака имтиҳонини топширишга мазкур «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан белгиланадиган талабларга жавоб берадиган даъвогарлар қўйила-

---

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 55-сон қарори

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 17 декабрда 1750-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 107, 2007-64-сон қарори билан тасдиқланган.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 17 декабрда 1749-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 108, 2007-63-сон қарори билан тасдиқланган.

ди. Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олишга даъвогар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) олий маълумотга эга бўлиши;
- 2) солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсларини ўтаган бўлиши;
- 3) камида 5 йил иш стажига, шу жумладан, камида 2 йил иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиши.

Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини белгиланган тартибда аккредитация қилинган давлат ва нодавлат таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўқув Дастури асосида амалга оширадилар.

Ўқув дастури Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, у 240 соатга мўлжалланган. Машғулотлар тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини тартибга соладиган қонунчиликни, айниқса фуқаролик ва процессуал қонунчиликни яхши биладиган тингловчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда суд ҳимояси усулларини ишлаб чиқилади ва ўта долзарб ҳисобланган солиқ муаммолари муҳокама қилинади. Шунингдек, тингловчилар Ўзбекистон Республикасида солиқ, банк, валюта ва божхонанинг тартибга солиш режимини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланиш қобилиятини ва бу ҳужжатларни шарҳлаш, қўллаш, ҳуқуққа оид қарорлар қабул қилиш ва қонунга аниқ мувофиқликда бошқа юридик амалларни бажариш кўникмаларини намоён этишлари лозим бўлади.

Ўқув курсларида тегишли сертификатни олгач, мутахассислар кейинги навбатда солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини қўлга киритиши даркор бўлади. Бунинг учун малака имтиҳони топширилади. Бундай имтиҳонга «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги низомда белгиланган талабларга жавоб берадиган даъвогарлар қўйилади.

Шунга кўра, даъвогар тегишли ҳужжатларни тақдим қилади, малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза билан Молия вазирлигига мурожаат қилади. Вазирлик ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки бермаслик тўғрисида

қарор қабул қилади. Имтиҳон гуруҳлар шаклланганда, яъни даъвогарлар сони 10 нафардан ошганда, чоракда камида бир марта уч астрономик соат ичида ёзма шаклда тест ўтказиш йўли билан ўтказилади.

Малака имтиҳонини топшириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олишга даъвогар белгиланган шаклга мувофиқ малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида ариза;

2. Тўлдирилган анкета;

3. Олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёхуд нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси;

4. Меҳнат дафтарчасидан нотариал тасдиқланган кўчирма;

5. 3 x 4 ўлчамида икки дона рангли фотосурат;

6. Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда акредитациядан ўтган таълим муассасасида солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ўтаганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ёки белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси (агар ўқиш тугаган санадан бошлаб ҳужжатларни топшириш санасига қадар бир йилдан кўп вақт ўтмаган бўлса, у ҳақиқий деб топилади);

7. Малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

Солиқ маслаҳатчилари соҳасида ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Вазирлар маҳкамасининг «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланган ва унга кўра:

- солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш;

- солиқ маслаҳатчилари реестрини юритиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш юклансин.

Малака сертификатига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари реестрида қуйидагилар кўрсатилади:



1. Малака сертификатини олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, олган санаси;
2. Паспортнинг серияси ва рақами, берган санаси ва жойи, турар жойи;
3. Иш жойи;
4. СТИР;
5. Малака сертификатининг рақами, берилган санаси;
6. Ҳар йиллик малака ошириш курсларини ўтаганлик тўғрисидаги маълумот;
7. Малака сертификатини амал қилишини тугатиш, бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва дубликат берганлик тўғрисидаги маълумотлар.

Реестрдан малака сертификатининг рақами, берилган санаси, қайта расмийлаштириш ва амал қилишини тугатиш, шунингдек бекор қилиш ва дубликатини берганлик тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга кўчирма тариқасида берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2008 йил 19 майдаги «2008/2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2008/2009 ўқув йилида солиқ маслаҳати мутахассислиги бўйича 9 та магистрлар тайёрланиши хусусида ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Зеро, янги мутахассисларимиз профессионал жиҳатдан юксак даражада бўлишига эътибор қаратиш давлат бюджетига тушумлар вақтида тушишини таъминлашдан ташқари, солиқ ходимлари билан солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга имкон яратади. Шунингдек, солиқ тўловчиларнинг солиқ соҳаси бўйича билимлари ошиб боришига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Энг муҳими, солиқ соҳасида ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши ҳамда энг мақбул ва самарали тавсиялар олиш, вазиятни тўғри баҳолай биладиган малакали кўмакчига эга бўлиш тадбиркорлик субъектларини янада қонунга итоаткор ва фаолиятда шижоаткор бўлишга ундайди.

Солиқ кодекси, ўз моҳиятига кўра, солиқ муносабатларини тартибга солувчи илгари қабул қилинган қонунлар, барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига жамлаган. У анчагина ҳажмдор ҳужжат бўлиб, муайян ҳолларда махсус билими бўлмаган шахслар томонидан тушунилиши ва қўлланилиши бирмунча қийинчилик туғдиради.

Аудиторлар ҳозирда, асосан, катта корхоналар, акционерлик жамиятлари, жамғармалар ва ҳар йилги аудит зарур бўлган бошқа тузилмалар билан ишлайдилар. Аудиторлик фаолияти доирасида улар профессионал хизматлар кўрсатиб, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш масалалари бўйича консалтингни амалга оширадилар. Ўрта, кичик корхона ва микрофирмалар, одатда, аудиторлар эътиборидан четда қоладилар, уларга мажбурий аудит талаб этилмайди, аудиторлик хизматлари эса бугунги кунда арзон ҳам эмас.

Солиқ қонунчилиги бузилишини олдини олиш, ҳар хил салбий солиқ оқибатларига йўл қўймаслик, умуман соҳада ортиқча дилхираликларга учрамаслик мақсадида ривожланган мамлакатларда солиқ маслаҳати институти муваффақиятли иш олиб боради. Бизнинг мамлакатда ҳам солиқ маслаҳатчиси молия соҳасидаги «навқирон» мутахассислик ҳисобланади, ҳозир бу касбга даъвогарлар сони муттасил кўпайиб бормоқда. Бинобарин, ҳар қандай касбни эгаллаш учун тегишли билим ва малака талаб этилганидек, солиқ маслаҳатчиси ҳам махсус тайёргарликлардан ўтиши лозим бўлади.

Шу боис, солиқ маслаҳатчилари учун консалтинг хизматлари бозорида кенг имкониятлар берилди. Хориж тажрибаси айна кичик ва ўрта бизнес ушбу хизматларнинг асосий истеъмолчиси эканлигини кўрсатмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бир томондан, солиқларни тўлашга тайёр тадбиркорнинг солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқараётгани ва тўлаётганлиги борасида ишончи комил эмас. Бошқа тарафдан, солиқ маслаҳатчиси унга мақбул нархларда солиқ мажбуриятларини тўғри ва ўз вақтида бажаришда ёрдам беришга тайёр.

Бундай маслаҳатчига исталган вақтда ёрдамга кела оладиган узоқ муддатли ҳамкор сифатида қараш лозим. Ушбу ёрдам мижознинг саволларига жавоб тариқасида, доимий солиқ консалтингини олиб бориш ёки солиқ ҳисоботини текшириб бориш шаклида кўрсатилиши мумкин. Солиқ маслаҳатчиси назорат қилувчи органлар ёхуд судларда солиқ тўловчининг вакили сифатида жалб этилиши ҳам мумкинлиги муҳимдир. Яъни, бир сўз билан айтганда, мижоз солиқ маслаҳатчиси билан кенг қамровли хизмат кўрсатиш шартномаси тузаркан, солиқ маслаҳатчиси унинг учун маслаҳатчи, ички назоратчи, адвокат вазифаларини бажаради.

Солиқ маслаҳатчиларининг фаолиятидан молия, солиқ ва божхона органлари бирдай манфаатдор бўлишлари мумкин, чунки улар ўз миқдорларига белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўғри ва ўз вақтида тўлашда кўмак берадилар. Бунда юқоридаги давлат тузилмалари ва солиқ маслаҳатчиларининг мақсадлари ўзаро тўлиқ мос тушади. Бинобарин, агар солиқ маслаҳатчиларининг фаолияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳамда тўғри тўланиши масаласини ҳал этишга самарали ёрдам берса, улар зиммасига давлат органлари баъзи ваколатларининг ўтишини ҳам кутиш мумкин.

Шу муносабат билан солиқ солиш масалаларини тушунтириш ишларининг катта қисми солиқ маслаҳатчиларига ўтади, бу эса, ўз навбатида, солиқ органлари ходимлари зиммасидаги вазифани камайтиради. Албатта, амалиётда юзага келадиган энг мураккаб масалалар бўйича малакали хулосани ўзининг эксперт комиссиялари тимсолида солиқ ёки молия органи бериши керак.

Солиқ маслаҳатчилари, шунингдек, ортиқча тўланган суммаларни бюджетдан қайтариш, ҚҚС бўйича манфий фарқ ва ҳоказоларни тўғри аниқлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ёрдамга келиши мумкин. Бу иш жуда сермеҳнат, у маҳсулот экспорти, ҳисоб-китобларни ўтказиш ва ҳоказо ҳужжатларни текшириш билан боғлиқ бўлиб, бу ишга солиқ маслаҳатчиларини жалб этиш вақт ва ишчи ресурсларини тежаш имконини беради.

Давлат кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида, йил сайин тадбиркорлик субъектларининг назорат қилувчи органлар томонидан текширилишини қисқартириб бормоқда. Ушбу шароитларда тадбиркорларнинг солиқ ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқишлари ва тўлиқ тўлашлари устидан назорат қилиш ишига солиқ маслаҳатчиларини ҳам жалб этиш мумкин. Масалан, муайян шароитлар яратилишига қараб, энг кам иш ҳақининг 1 000 бараваридан ортиқ суммада солиқ тўлайдиган солиқ тўловчи юридик шахслар солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши борасида солиқ маслаҳатчилари билан мажбурий тарзда шартнома тузишлари кераклигини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу таклифни яна бир далил-исбот билан ҳам қўллаб-қувватлаш мумкин: Қонун ҳужжатларига мувофиқ, кичик бизнес субъектларини текширишлар 3-4 йилда кўпи билан бир марта ўтказилади. Амалиётда корхоналарнинг бир қисми ушбу муддат

тугашига қадар ўз фаолиятини тўхтатиб бўлади, бунинг устига ушбу ташкилотларнинг муассисларини ҳар доим ҳам топиб бўлмайди. Натижада, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш борасидаги текширувлардан халос бўладилар, бюджет олдида умидсиз қарз ҳосил бўлади, уни амалда ундириб бўлмайди. Аҳолининг ишбилармонлик фаоллиги ўсган даврда юридик шахс шаклида бизнес субъектлари ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларни тузиш жараёни жадал суръатларда бораётир. Солиқ органлари ходимларининг миқдори ўзгармаса-да, улар зиммасидаги иш кўлами йилдан-йилга ошиб боради ва масаланинг кескинлиги ҳам ўсиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида бинотан акциядорлик жамиятлари учун устав фондининг энг кам миқдори камида 400,0 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланиши ушбу таклифимизга яна бир далилдир, бу ҳол акциядорлик жамиятлар сонининг қисқаришига олиб келади. Кичик корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартирадилар, улар учун ҳар йилги аудитни ўтказиш мажбурий бўлмайди. Бунинг устига ушбу корхоналарда давлат улуши, бошқа инвесторларнинг улушлари сақланиб қолади. Қонуний савол туғилади: агар бу ерда ҳар йилги аудит ўтказилмаса, солиқ текшируви эса 3-4 йилда кўпи билан бир марта ўтказилса, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишни ким амалга оширади? Бундай хўжалик юритувчи субъектларда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши бўйича мажбурий мониторингни ҳар йили ўтказишга солиқ маслаҳатчиларини жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ маслаҳатчиларини давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб жалб этиш учун яна катта резервлар мавжуд. Сертификатланган солиқ маслаҳатчиларининг малакаси ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслиги керак. Талабгорлар Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур бўйича таҳсил оладилар, солиқ маслаҳатчиси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига жиддий имтиҳон топширадилар. Ишонч билан айтиш мумкинки, солиқ солиш ва ҳуқуқ соҳасида чуқур билими бўлмаган киши ушбу малака имтиҳонини топшира олмайди. Бу эса тасодифий ва тайёргарлик кўрмаган кишиларнинг сертификат олиш хатарини минималлаш-

тиради. Одатда, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш соҳасида амалий тажрибаси бўлган, таҳлилий иш кўникмалари ривожланган, солиқ соҳасида ҳамда турдош тармоқларда кенг билимларга эга бўлган, ҳуқуқий масалаларда юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассислар солиқ маслаҳатчилари бўла оладилар.

Солиқ маслаҳати солиқ тизимини ислоҳ қилиш шароитларида талабгир бўлиши ва тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам бериши, мамлакатнинг молия соҳасида зарур субъектга айланиши аниқ.

Солиқ хизмати ташкил топган кундан бошлаб, прогноз қилинаётган маблағлар ҳажмларининг барча даражалардаги бюджетлар ва мақсадли жамғармаларга ўз вақтида ҳамда тўлиқ келиб тушишини таъминлаш вазифаси билан бир қаторда, солиқ органлари олдига қўйилган энг муҳим мақсадлар орасида давлатнинг солиқ сиёсати моҳиятини кенг миқёсли тушунтириш, солиқ тўловчиларни солиқ солиш соҳасидаги янгиликлар ва меъёрлар ҳамда йўриқнома материалларини қўллаш қоидалари тўғрисида хабардор қилиш ҳам бор эди. Мазкур мавзуларга доир барча масалалар билан бевосита минтақавий солиқ бошқармалари ҳузурида ташкил этилган ихтисослашган сервис марказлари шуғулланадилар. Кўпинча Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги етакчи мутахассисларининг иштирокида мунтазам ўтказиладиган семинарлар ва солиқ тўловчилар билан учрашувлар, молия-иқтисодий масалалар бўйича йўриқнома материаллари, даврий матбуот ва адабиётларни тарқатиш, солиқ тўловчилар билан ёзишма ана шундай марказ ходимларининг кундалик вазифаларидан бирига айланди

Шуни қайд этиш лозимки, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар, янги солиқларнинг пайдо бўлиши ва айрим солиқ турларининг бекор қилиниши ислохотлар даврида одатдаги ҳол бўлиб қолди. Солиқчиларнинг солиқ тўловчилар билан доимий ҳамкорлик қилишларига объектив зарурат ҳам шундан келиб чиқади. Бундан эса тарафлар ўзаро манфаатдор. Солиқ органларининг ходимлари ҳам, солиқ тўловчилар ҳам янгиликларни кузатиб борадилар, маҳоратларини оширадилар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштирадилар.

10 йил аввал сервис марказлари Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги мустақил хўжалик ҳисобидаги тузилма мақомини олди ва

Республика ахборот-маслаҳат марказлари деб атала бошлади. Консалтинг бўлимларининг мустақил фаолият юритишга ўтиши, аynи вақтда улар устидан назоратни сақлаб қолишга улар фаолият соҳасининг сезиларли кенгайиши асос бўлди дейиш мумкин. Шунини ишонч билан қайд этиш мумкинки, охириги пайтда чораклик ҳисоботлар даврида савол билан мурожаат қилувчилар сони кўпайиб бормоқда.

Бундан ташқари, савол берувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бир вақтда, солиқ хизмати солиқ тўловчиларни қизиқтираётган долзарб муаммолар тўғрисидаги маълумотларни олади. Республика ахборот-маслаҳат марказлари учун эса янги интеллектуал хизматларни тақдим этиш борасида имкониятлар очилмоқда.

«Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан кейин Республика ахборот-маслаҳат марказлар бўлимларининг хизматлари доирасини кенгайтириш бўйича янги имкониятлар очилди. Бунда хизматларни зўрлик билан таклиф қилиш ўрнига, уларни ҳаммабоп ва сифатли қилишдек мушкулотни ҳал қилишга тўғри келарди. Бу халқ орасига кириш ва ҳатто инвестицияларга сарф қилиш кераклигини англатади. Яъни аввал, одатда, тушунтириш ва маслаҳат беришга оид барча иш солиқ тўловчининг мурожаат қилишини кутишга асосланган бўлса, энди бу модель такомиллаштирилди. Йирик солиқ инспекциялари билан қўшничиликда Республика ахборот-маслаҳат маркази ўзининг туман ва шаҳар бўлимларини оча бошлади. Солиқ тўловчилар ушбу қулайликни баҳолашга улгурдилар ҳам.

Табиийки, консалтинг хизматлар соҳасида ҳам ўз вақтида муносабат билдиришни талаб қиладиган ўзгаришлар юз бермоқда. Чунинчи, кичик бизнес субъектлари учун ҳисобот бериш юкини анча қисқартирадиган қонун ҳужжатлари кучга кирганидан кейин кўпгина кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг раҳбарлари ўз штат жадвалларидан бухгалтер лавозимини чиқариб ташладилар. Улар учун профессионал маслаҳатчининг бир марталик хизматига уч ойда бир марта ҳақ тўлаш арзонроқ ҳамда фойдалироқ бўлиб қолди, у тақдим этилган материаллар асосида солиқ инспекцияси ва статистика бошқармаси учун барча ҳисоботларни тайёрлайди. Бошқача айтганда, хўжалик фаолиятини янги бошлаган юридик шахс бухгалтерия ҳисоби батартиб бўлиши, ўзига берилган преференциялардан фойдалана олиши ва

айни пайтда солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китоб-ларни тўғри ҳамда ўз вақтида амалга ошириши учун муайян кафолатларга эга бўлишни хоҳлайди.

Солиқ тўловчиларни маслаҳатлар билан қўллаб-қувватлашни яхшилаш. Давлат солиқ хизмати ўз олдига қўяётган вазифаларни ҳал қилишга ёндашувнинг ўзини ўзгартириш жуда муҳимдир. Солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини виждонан бажаришларида ёрдам бериш учун улар билан ишлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга устувор аҳамият берилиши керак. Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, солиқ органлари жазолаш органи эмас, балки маслаҳат берувчи, солиқ тўловчига зарур мадад кўрсатишга йўналтирилган орган ролини ўйнайдиган мамлакатларда энг кўп самара билан ишламоқдалар. Бунинг учун солиқ органлари ишининг самарадорлигини баҳолашда бошқа жиҳатларга назар солиш мақсадга мувофиқ бўларди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва жарима жазолари сонига эмас, балки назорат остидаги ҳудудда корхоналар миқдорининг ўсишига, солиқ ҳисоботини расмийлаштираётганда хатолар сонини пасайтиришга, солиқларни тўлаш муддатларига риоя этишга, уларни йиғиш даражасини оширишга, солиқ тўловчилар билан маслаҳатлашув ишининг самарадорлигига кўпроқ эътибор қаратилиши керак.

Солиқ органлари солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг махсус дастурларини яратишга алоҳида эътибор қаратишлари керак. Солиқ органларида махсус маслаҳат бўлинмаларини барпо этиш шу мақсадга хизмат қилиши мумкин.

### **6-БЎЛИМ. СОЛИҚ ТАРФИБОТИ ВА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВНОМАЛАР НАТИЖАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 98-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида»ги Низомда Давлат солиқ қўмитасига давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиқ қонунчилигига риоя этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, солиқ

тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда маслаҳат хизматлари кўрсатиш вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида, Давлат солиқ қўмитаси мунтазам равишда солиқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини жойлардаги Давлат солиқ хизмати органлари орқали солиқ тўловчиларга етказиш билан бирга, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган меъёрларни солиқ тўловчиларга тушунтириш, уларга солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботлари ва декларацияларини ўз вақтида тақдим этиш ва тўлаш бўйича маслаҳат ва ёрдам беради.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш заминида давлат билан солиқ тўловчи ўртасидаги иқтисодий муносабат ётади. Мазкур муносабатларни яхшиланишида солиқ тарғиботи муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши лозим.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқ сиёсатини тарғибот қилиш, асосан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси<sup>34</sup> ва «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунларда<sup>35</sup> белгилаб берилган.

Солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилигининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш, асосан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали оммабоп кўрсатув, эшиттиришлар ташкил этиш, солиқ тўловчилар билан жойларда семинар учрашувлар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Эндиликда солиқ тўловчиларга, солиқ ва тўловларни тўғри ҳисобланиши ва тўланиши бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, улар томонидан солиқ қонунчилиги талабларини бузилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида профессионал «Солиқ маслаҳатчилари» тизимини яратиш бўйича тегишли тадбирлар йўлга қўйилмоқда.

---

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.: «Адолат» 2010 й.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. №474-І .29 август 1997 й.



Давлат солиқ хизмати органлари давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари томонидан белгиланадиган солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита қатнашиш борасида солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш билан бирга, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш вазифасини ҳам бажарадилар.

Мазкур вазифани амалга ошириш жараёнида улар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказиш мақсадида нашр этиш, кўпайтириш ва ҳудудий солиқ органларига юбориш, маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш, солиқ тўловчиларни солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқишга, ҳисоботлар ва декларациялар тақдим этишга ўқитиш учун сервис марказларни ташкил этади.

Ҳозирда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларни тарғибот қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш, ўз вақтида тўлаш ишлари юзасидан мурожаат қилинганда, уларга текин ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш кенг йўлга қўйилган.

Давлат солиқ инспекцияларининг таркибий тузилмаси, асосан, юридик ва жисмоний шахслар солиқлар ва тўловларнинг бюджетга тушишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими, солиқ тўловчилар ҳисоботларини қабул қилиш ва таҳлил этиш шўъбаси, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва солиқ статистикаси бўлими, жисмоний шахсларга солиқ солиш ва декларация шўъбаси, якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ солиш ва участка инспекторлари шўъбасидан ташкил топган.

Ҳар бир таркибий тузилманинг асосий вазифаси республикамизда жорий этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни солиқ тўловчилар томонидан ўз вақтида тўлиқ тўланишини ташкил ва назорат этишдан иборат.

Бунинг учун улар тарғибот ва ташвиқотнинг турли йўналишлари ва кўринишларида солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилигини тарғиб қилиб борадилар. Тарғиботнинг ушбу усуллари қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин.

**Биринчи усул. Солиқ қонунчилигининг тушунтириш ишларини олиб бориш.** Бунда барча тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ

тўғрисидаги қонун меъёрларини ахборот шаклида тушунтириб бориш назарда тутилади.

Ушбу усул тарғиботнинг кенг тарқалган усулларида бўлиб, ундан барча тоифадаги солиқ тўловчилар, жумладан, даромадларидан, мол-мулкларидан ва эгаллаган ер майдонларидан солиқ тўловчи фуқаролар фойдаланадилар. Мазкур усулда тарғибот, асосан, оммавий ахборот воситалари яъни радио, телевидение, оддий ва махсус нашрларда, интернет тармоқларида эълон қилиш орқали амалга оширилади.

Тарғибот, асосан, Республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали Давлат солиқ қўмитаси, вилоятлар Давлат солиқ бошқармалари ва туман Давлат солиқ инспекциялари орқали ташкил қилинади. Унда солиқ қонунчилигига жорий йилда киритилган ўзгартиришлар, янгиликлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорларида солиқ тўловчиларга берилган қўшимча енгилликлар ва уларнинг мазмун, моҳияти ҳамда ундан кўзланган мақсад ва вазифалар эълон қилиб борилади.

Мисол тариқасида, тарғиботнинг ушбу усули бўйича 2008 йилда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб кўрганда, йил давомида 9000 дан ортиқ солиқ тўловчилар билан мулоқот қилинган.

Жумладан,

Телевидение орқали жами: – 2667 мартаба

Шундан,

Республика телевидениеси орқали – 326 мартаба

Маҳаллий телевидение орқали – 2341 мартаба

Радио орқали жами: – 2551 мартаба

Шундан,

Республика радиоси орқали – 734 мартаба

Маҳаллий радио орқали – 1827 мартаба

Оммавий нашрлар (газета ва журналлар)

орқали жами: – 3863 мартаба

Шундан,

Республика нашрлари орқали – 669 мартаба

Маҳаллий нашрлар орқали – 3045 мартаба

Журналлар орқали – 145 мартаба

Булардан ташқари, йил давомида интернет сайтларида Давлат солиқ қўмитаси мутахассислари томонидан 26 мартаба чиқишлар ташкил этилган.

**Иккинчи усул. Семинарлар ва йиғинлар.** Оғзаки тарғибот – ҳуқуқий тарғибот усули бўлиб, унда солиқ тўловчи барча юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорлик субъектлари учун оммавий тарзда солиқ қонунчилиги меъёрлари семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали етказилади.

Ушбу тарғибот усули Давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, маълум бир ҳудуд бўйича барча турдаги солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорлик субъектлари ёки алоҳида тармоқ, вазирлик ёки идораларнинг ташаббуси билан солиқ қонунчилигидаги ўзгартиришлар, янгиликлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорларида солиқ тўловчиларга берилган қўшимча енгилликлар ва уларнинг мазмун, моҳияти ҳамда ундан кўзланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилади ва ўтказилади. Тарғибот усули амалга оширилганда, албатта, Давлат солиқ қўмитасининг ташаббуси билан тадбир ўтказилаётган ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг масъулияти белгиланади ва семинар ёки давра суҳбати Давлат солиқ қўмитаси ёки солиқ бошқармасининг малакали мутахассислари иштирокида ўтказилади.

Масалан, тарғиботнинг ушбу усули бўйича 2008 йилда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб кўрганда, тарғиботнинг мазкур усули билан йил давомида 4064 мартаба солиқ тўловчилар билан мулоқот ташкил қилинган, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилган.

Жумладан,

ўтказилган семинарлар сони – 3093 та

ўтказилган давра суҳбатлари сони – 1051 та

**Учинчи усул. Солиқ тўловчи билан индивидуал тарздаги суҳбат.** Тарғиботнинг ушбу усули бу – ҳар бир солиқ тўловчи билан индивидуал тарзда суҳбат йўналишида бўлиб, унда солиқ инспекцияси масъул ходими билан солиқ ҳисоботини ёки декларацияни топширувчи шахс ўртасида тушунтириш маъносида кечади.

Ушбу тушунтириш, асосан, солиқ тўловчи томонидан ҳисоботларни, солиқ декларацияларини солиқ органларига ўзлари келтириб топшираётганда ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўловлар ёки солиқ қарзи пайдо бўлган ҳолатларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомда<sup>36</sup> солиқ тўловчилар ҳисоботларни топшириш жараёнида солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш, солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш, солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни топшириш жараёнида қулайликлар яратиш мақсадида, ҳисоботларни қабул қилиш операцион залларида тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳамда солиқ тизимидаги янгиликларни ёритувчи инфорацион ахборот стендлари, ҳисоботларни қабул қилиш бўлинмасининг ходимлари жойлашганлиги ва уларнинг функционал вазифалари ҳақида инфорацион ахборот стендлари, солиқ инспекциясининг локал ахборот тизимига уланмаган, меъёрий ҳуқуқий-инфорацион дастурлари киритилган компьютерлар ўрнатилиши, ҳисоботларни топширишда мавжуд саволлар ва муаммолар, шунингдек, солиқ қонунчилигида ўзгаришлар тўғрисида солиқ тўловчиларга тезкор консултациялар бериш учун солиқ хизмати органининг масъул ходимини бириктириш лозимлиги мазкур Низомда алоҳида қайд этиб ўтилган. Ҳозирда мазкур тушунтириш усули энг оммалашган бўлиб, умумий солиқ тўловчиларнинг деярли 75


---

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 29 июлда 1500-сон билан рўйхатга олинган Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарори билан тасдиқланган.

фоизи ушбу усулдан фойдаланмоқда. Сабаби, ушбу усулда бевосита давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимидан солиқ қонунчилигида ўзгаришлар ҳамда солиқ ҳисоботларини ва декларацияларни тузиш ва топширишда мавжуд саволлар ва муаммолар тўғрисида сўраб олиб, иш тутиш ҳар бир солиқ тўловчи учун энг осон ва арзон ҳисобланади. Чунки солиқ қонунчилигида ўзгаришлар тўғрисида солиқ тўловчиларга тезкор консультациялар бериш солиқ хизмати органи томонидан бепул амалга оширилади.


Солиқ тўлаш мажбурияти нечоғли амалга оширилаётгани ва солиқ тўловчилар ҳамда солиқ идораларининг бир-бирига бўлган муносабатига ойдинлик киритиш учун Япониянинг халқаро ҳамкорлик ташкилоти (ЈСА) томонидан анкета сўровномаси ўтказилди. Бу Ўзбекистон фуқароларининг солиққа нисбатан муносабати, солиқ идораларининг солиқ тўловчига бўлган муносабатини билишда жуда ҳам муҳимдир.

Респонент сифатида Тошкент шаҳри, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган 500 та солиқ тўловчилар танланди. 500 та респонентдан 217 таси (37 фоиз)ни «бухгалтер», «одатда солиққа алоқадор фаолият юритаётганлар» 226 та (39 фоиз)дир, қолган респондентлар «қисман алоқадор» ва «кундалик фаолиятида солиққа бевосита алоқадор бўлмаган»лар ташкил этди. Ушбу респондентларнинг 471 таси (94 фоиз) мулк ва ер солиғи каби солиқларни тўлаган солиқ тўловчилардир.



**Респонентларнинг маълумотларни олишдан қониқиш ҳисси даражаси ҳақида.** Респонентлардан 494 тасидан 257 таси «етарли даражада» ва 213 таси «қониқарли» деб жавоб бериб, жами 470 тани, 95 фоизни ташкил қилади. 18 та респонент «етарли эмас», 6 таси «қониқарсиз» жавобларини белгилаган.

**Респонентларнинг маълумот олишдан қониқиш ҳисси**




95 фоизлик жавобдан «етарли даражада» жавоби 52 фоизни, «қониқарли» жавоби 43 фоизни ташкил этди. Яъни, маълумот олишда қониқиш ҳосил қилувчилар фоизи кўрсаткичи юқори. Бу тенденция ҳар қандай классификациялашда ҳам бир хил. Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, йирик корхоналарнинг (бошқарувчи ва хизматчи ходимларни қўшиб ҳисоблаганда) ҳамда кичик ва хусусий корхоналар (бошқарувчи ва хизматчи ходимларни қўшиб ҳисоблаганда) таққослайдиган бўлсак, йирик корхоналарга қараганда кичик ва хусусий корхоналарнинг қониқиш ҳисси кўрсаткичи юқори.

**Солиқ тўловчилар ўз ҳуқуқларини қай даражада билиши ҳақида.**

Бу пункт ҳақида «деярли биламан» деб жавоб берганлар 57 фоиз, «етарлича биламан» деб жавоб берганлар 35 фоиз, жами 92 фоиз респонент ўз ҳуқуқини билишади. Бу тенденция барча жабҳаларда акс этган. Билим етарли даражада тарқалган дейиш мумкин.


### Солиқ тўловчиларнинг ўз ҳуқуқини билиш даражаси



### Солиқ идорасида кетадиган вақт ҳақида.

Солиқ идорасига борадиган солиқ тўловчи солиқ идорасида ўз юмушларига 15 дақиқа кетмайди деб жавоб берганлар 40 фоиз, 15 дақиқадан 30 дақиқাগача кетади, деб жавоб берганлар 32 фоизни ташкил этади. Яъни 72 фоиз жавоб 30 дақиқাগача бўлган вақтга тўғри келаяпти. Қолган 28 фоиздан 15 фоизи 45 дақиқাগача, 45 дақиқадан кўп вақт кетади деб жавоб берганлар 13 фоизни ташкил қилади. 1 соатдан кўп вақт кетади деб жавоб берганлар 34 та респонент бўлди. Ва бу тенденция «хизматчи ходимлар»га тўғри келаяпти.


### Солиқ идорасида сарф бўладиган вақт



### Солиқ идораси ходимларининг муносабати ҳақида.

Респонентларнинг 65 фоизи солиқ идораси ходимларининг муносабати «етарли даражада қониқтиради» деб жавоб беришса, уларнинг 32 фоизи «умуман қониқтиради» деб жавоб бериб, ижобий жавоб берган респонентлар 97 фоизни ташкил этди. «Қониқтирмайди» деб жавоб берганлар сони атиги 16 тани, фоиз ҳисобида 3 фоизни ташкил қилди. «Жуда ҳам қониқтирмайди» деб жавоб берганлар бўлмади. Ахборот маркази баёнотига кўра 31 респонент анкета жавобларини беришмаган ва бу натижалар ҳисобга киритилмаган. Агарда бу жавобларни тахминан салбий жавоб деб ҳисоблаган тақдирда ҳам натижаларга унчалик таъсир кўрсатмайди.

Солиқ идора ходимларининг муносабати




### Солиқ идораси биноси, жиҳозлар ва шароитлар ҳақида

485 та жавоблар олинди, 64 фоизи «етарли даражада қониқтиради» ва 29 фоизи «ноқулайлик йўқ» деган 93 фоизлик ижобий жавоб олинди ҳамда «тузатишлар киритиш талаб қилинади» жавоби 37 та 7 фоизни ташкил қилди.




**Солиқ идора биноси ва жиҳозлар шароитига нисбатан қониқиш даражаси**



**Ишонч телефонларининг тарқалиши ҳақида**

Бу пунктда ишонч телефонлари ҳақида «биламан» деб жавоб берганлар 88 фоизни, «билмайман» деб жавоб берганлар 12 фоизни ташкил қилди. Ҳар бир синф бўйича «биламан» деб жавоб берганлар 80 фоиздан ошганини инобатга оладиган бўлсак, ишонч телефонидан солиқ тўловчилар яхши хабардор деган хулосага келиш мумкин.

**Ишонч телефони**



### **Сўровнома сўнггида «Эркин фикр ёзиб қолдириш» бўйича респонентлар томонидан билдирилган фикрлар.**

Ҳозирда Ўзбекистонда солиқ ҳисоботини электрон почта орқали жўнатиш тизими йўлга қўйилган. Бундан фойдаланаётган солиқ тўловчилар сони ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, солиқ тўловчилар ҳамда солиқ идораларида бунга керак бўладиган техника аппаратураларига эҳтиёж сезилмоқда.

Ҳозирда солиққа доир энг янги маълумотлар киритилган [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) сайти фаолияти солиқ идоралари томонидан йўлга қўйилган бўлиб, қизиқтирган саволларга жавоб олиш мумкин. Сайтнинг самарадорлиги Тошкент шаҳар солиқ тўловчилари берган жавобларда кўриниб турибди. «Солиқ ҳақидаги маълумотлардан қандай бохабар бўляпсиз?» деган пунктда Тошкент шаҳар солиқ тўловчиларидан 11 фоизи «интернет сайтларидан» деб жавоб беришган. Тошкент шаҳри интернет орқали солиқ ҳисоботларини жўнатиш тизими фаол ҳудуддир. Вилоятларда эса, даромади кам бўлган солиқ тўловчиларда компьютер йўқлиги ҳамда интернет провайдерлари кўрсатаётган хизмат доирасининг нисбатан торлиги бу тизимни йўлга қўйишга тўсиқ бўлмоқда.

Шахсий ҳисобварақаси маълумотларни (ҳисоблаб чиқарилган солиқ ва унинг тўлови, тўланмаган солиқ миқдори кабилар) электрон ҳолатда олишда мунозарали ва мавҳум бўлган масалалар ечимини телефон орқали ҳал қилиб берувчи «маслаҳат марказлари»ни ташкил этиш, Ўзбекистон республикаси ахборот-маслаҳат марказида ҳар ойда Давлат солиқ қўмитаси мутахассисини чақириб, солиқ тўловчилар билан телефон орқали маслаҳат мажлисини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Лекин бунда мунозарали масалаларни ёзма тарзда ҳал этиш лозим.

Эълонлар доскасида маълумотларни ёритиб бориш бўйича вилоят солиқ идораларида солиққа доир қонунларга киритилган ўзгартиришлар, солиқнинг ошиши ёки тушиши каби умумий маълумотлар ёритилган. Аммо эълонлар доскасида маълумотлар ҳажми анча кам, деган фикрлар респонентлар томонидан билдирилган.

## **7-БЎЛИМ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ**

Миллий солиқ агентлиги дастлаб 1949 йилда даромад, корпоратив, истеъмол солиқлари ва шу каби бир қатор солиқларни ундириш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган.

Солиқ сиёсати Молия вазирлиги ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Миллий солиқ агентлиги томонидан юритилиб, давлат солиқ хизмати идоралари ижро этувчи орган ҳисобланади.

Хизматнинг таркибий тузилиши Миллий солиқ агентлигининг марказий аппарати, 12 та ҳудудий бошқармалари ва уларнинг 524 та солиқ инспекциялари, Солиқ коллежи ҳамда Солиқ арбитражидан иборат.

Миллий солиқ агентлигининг Марказий аппаратида 683 та (1,2 фоиз), ҳудудий солиқ бошқармаларида 10,8 минг нафар (19,3 фоиз), давлат солиқ инспекцияларида 43,9 минг (78,1 фоиз), Солиқ коллежида 336 (0,6 фоиз), Солиқ арбитражида 477 нафар (0,8 фоиз) солиқ ходимлари меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, умумдавлат солиқларини ундириш ва назорат қилиш билан Миллий солиқ агентлиги (56,2 минг нафар ходимлар) ва маҳаллий солиқларни ундириш билан эса муниципал давлат идоралари (84 минг нафар) шуғулланади.

Солиқларни ундириш, солиқ текширувларини ташкил этиш ва солиқ тўловчиларга хизматлар кўрсатиш соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга.

Японияда Молия вазирлиги ҳузуридаги Миллий солиқ агентлиги томонидан умумдавлат солиқларининг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига тушишини назорат қилиниши белгиланган бўлиб, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳудудий муниципалитетлар назорат қилиши, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг назорати эса ушбу жамғармаларни йиғиш билан шуғулланувчи идоралар томонидан амалга оширилади.

Тўланган солиқлар дастлаб «Умумдавлат солиқларини йиғиш фонди»га жамланиб, сўнгра ой якуни билан марказий банкдаги давлат бюджет даромадларини ташкил этувчи махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бунда Умумдавлат солиқларини йиғиш фондининг назорати Япониянинг Молия вазирлигига юклатилган.

Японияда кеча-кундуз (24 соат) ишловчи савдо дўконларида солиқ тўловларини қабул қилиш амалиёти жорий этилган бўлиб, бу иш билан банд ходимларни ишдан кейинги бўш вақтларида солиқларни тўлаш имкониятларини беради.

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган умумдавлат солиқлари бўйича солиқ даври ва уни тўлаш муддатлари қонунчиликда белгиланган бўлса, юридик шахслар тўлайдиган айрим умумдавлат солиқлари бўйича корпорациялар ҳисоб сиёсатида кўзда тутадиган солиқ даври ва уни тўлаш муддатларидан келиб чиқиб, солиқлар бўйича ҳисоботларни топшириш ва тўловни амалга ошириш ҳуқуқлари белгиланган.

Бу биринчидан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминласа, иккинчидан, солиқ ҳисоботлари ва тўловини ҳар бир корпорация ўзи ихтиёрий танлаш ҳуқуқини беради.

Солиқ қарзи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга доимий равишда телефон тармоғи орқали эслатмалар бериб борилади.

Японияда солиқ тўловчиларни назорат қилиш мақсадида, биринчи навбатда, уларни ҳисобга олиш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун солиқ тўловчилардан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш, аниқ юридик манзилига эга бўлиш, юридик манзили ўзгарган ҳолларда солиқ идораларини хабардор этиш талаб қилинади. Булардан ташқари, солиқ органлари орасида ўзаро солиқ тўловчилар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар алма-шиниши йўлга қўйилган.

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги дастлабки барча маълумотлар жамланиб, келгусида назорат тадбирларини амалга ошириш мақсадида, солиқ тўловчилар тўғрисидаги ягона маълумотлар базаси (KSK тизими) жорий этилган.

Мазкур базага солиқ органлари томонидан тўпланган барча ҳужжатлардан олинган маълумотлар, солиқ тўловлари бўйича ҳисобот маълумотлари ва тўловлар миқдорлари жамланади.

Солиқ текширувларини ташкил этишдан аввал ушбу маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчининг товар айланмаси ва фаолият турларига қараб таҳлил ҳамда камерал назорат ўтказилади.

Қонун бузилиши ҳолатлари мавжуд ҳолатларда солиқ тўловчилар оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантирилади.

Солиқ тўловчилар солиқ органлари томонидан берилган огоҳлантиришларга риоя этмаган тақдирда, ихтиёрий солиқ текши-

рувлари, қонунчилик қўпол равишда бузилган ҳолатларда эса мажбурий солиқ текширувлари ўтказилади.

Япония солиқ тизимида ишловчи ходимларнинг 70 фоизи солиқ текширувларини ўтказиш билан шуғулланади.

Японияда солиқ тўловчилар тўғрисида қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида, керакли қўшимча маълумотлар йиғиш жорий этилган. Тўпланган маълумотлар келгусида солиқ тўловчиларни назорат ва таҳлил қилиш, сўнгра солиқ текширувларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун асос бўлади.

Япония солиқ тизимини ривожлантириш жараёнида солиқ тўловчилар билан ишлаш ва уларга хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳам мос равишда шаклланган.

Солиқ тўловчилар билан ишлашда интерактив хизматлар кўрсатиш, мамлакат фуқароларига солиқ соҳасидаги билимларни ёшликдан сингдириш, солиқлар тўлашда онгли муносабатни шакллантириш, солиқ мажбуриятларини бажаришда турли хилдаги мустақил институтларнинг фаолият кўрсатиши ҳамда солиқ тўловчилардан солиқ қонунчилиги ва солиқ хизмати ходимларига бўлган муносабатларни доимо ўрганиб, мониторинг қилиб бориш Японияда солиқ тўловчилар билан ишлашнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳисобланади.

1. Мамлакатда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг электрон тизими барча фуқаролар учун солиқ соҳасидаги маълумотларни тезкорлик билан олиш ҳамда солиқ бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Японияда ҳар бир фуқаро давлат солиқ хизмати веб сайтига кириб ([www.nta.go.jp](http://www.nta.go.jp)) солиқ тизими ва солиқ соҳасидаги янгиликлар билан тўлиқ танишади ҳамда шу веб сайт орқали солиқ декларациялари, ҳисоботларни тақдим этиши, солиқларни тўлаши, солиқ соҳасидаги ўзини қизиқтирган масалалар бўйича тегишли жавоблар олиши, солиқ органлари томонидан ўтказилаётган аукционлар, ер, мол-мулк нархлари ва шу каби бошқа маълумотлар олиш имкониятларига эга.

Бундан ташқари Web-TAX-TV веб сайтида солиқларга тегишли видео материаллар, солиқ идоралари томонидан амалга оширилган ишлар, солиқ қонунбузарликлари бўйича тергов материаллари ҳамда халқаро солиқ муносабатларига оид маълумотлар ва видео роликлар жойлаштириб борилади.

2. Мамлакат фуқароларида солиқ маданиятини юксалтириш, солиқ тўлашда онгли муносабатни шакллантириш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳар йили 11-17 ноябрь кунлари «Солиқ ҳақида ўйлайлик» ҳафталиги ўтказилиб борилади.

Ушбу тадбир давомида мактаблар ва жамоат жойларида турли хил кўринишда конкурслар, мусобақалар, йиғилишлар ташкил этилади. Мамлакат телевидениеси ва интернет тармоқлари орқали солиқ соҳасидаги янгиликлар ва ўзгаришлар бўйича маълумотлар бериб борилади ҳамда солиқ идораларида «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилиб, солиққа оид муносабатлар бўйича семинар, брифинг ва давра суҳбатлари ўтказилади.

Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш PR тизими, яъни, аҳоли билан ишлаш, эркин мулоқот ва тарғибот тизими шакллانганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу мақсадда Япония Миллий солиқ агентлигида ва ҳудудий бошқармаларда бўлимлар, йирик солиқ инспекцияларида шубалар ташкил этилган ва бошқа солиқ инспекцияларида махсус мутахассислар ажратилиб, солиқ тўловчилар билан эркин мулоқотлар ўтказилади ва ташкилий тадбирларни амалга оширади.

Масалан, ҳар йили турли соҳалардан 1500 дан ортиқ мутахассисларни жалб этиб, уларга махсус анкеталар тарқатилади ва солиқ соҳасидаги ҳамда давлат солиқ хизмати ходимлари тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари ўрганиб чиқилади.

4. Японияда солиқ маслаҳати тизими орқали солиқ тўловчиларга маслаҳат бериш, телефон тармоқлари орқали унинг саволларига жавоб бериш ҳамда ҳисобот ва декларацияларни тузишда солиқ тўловчиларга бевосита ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Жумладан, Япония солиқ инспекцияларида ҳар йили декларация топшириш муддатларида солиқ хизмати ходимларидан иборат солиқ маслаҳатини берувчи алоҳида гуруҳлар ташкил этилиб, солиқ декларацияларини тўғри ва аниқ тўлдирилиши ҳамда топширилишида улар томонидан солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, мамлакат бўйича давлат солиқ хизматида 634 та мутахассис телефон орқали солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатади.

Солиқ тўловчиларга солиққа оид маслаҳатлар бериш мақсадида, мустақил институтлар, яъни, солиқ бухгалтери сертефика-

тига эга бўлган жамоат уюшмалари имтиёзли бўлган, яъни, «кўк декларациялар»ни топширишга кўмаклашувчи 70 000дан ортиқ солиқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатмоқда.

Японияда солиқ тизимининг асосий негизи Солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан ҳисоблаб чиққан ҳолда солиқларни тўлаш ҳисобланади. Миллий солиқ агентлигининг асосий йўналиши қуйидаги иккита соҳа: «Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш», «Солиқ маъмурчилигининг адолатли ва ҳаққоний солиққа тортишга эришиши» ҳисобланади.

Солиқларни тўлаш тизимининг Солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан ҳисоблаб чиққан ҳолда солиқларни тўлаш тушунчаси. Бу солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан декларация тўлдирган ҳолда даромадлари суммасини белгилашларидир. Бунинг учун эса солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигида белгиланган мажбуриятларини ўз вақтида сидқидилдан бажаришларини тушунишлари керак.

Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш «Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш» бўлими томонидан амалга оширилади.

Зарурат юзасидан солиқ тўловчиларга декларация тўлдиришида маслаҳатлар ва ёрдамлар кўрсатишда бошқа бўлим ходимлари ҳам бевосита иштирок этади.

Бошқача қилиб айтганда, «Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш» бу нафақат маълум бир бўлимнинг, балки бошқа бўлимларнинг ҳам бевосита ишидир.

Солиқ органларининг асосий иш йўналишини Давлат солиқ бошқармаси белгилайди. Солиқ департаментлари ўз туманларида шароитдан келиб чиқиб уни аниқлаштиришади ва солиқ инспекцияларига кўрсатмалар беришади.

Солиқ инспекциялари ўз фаолиятларини Солиқ департаменти кўрсатмаларига биноан, уларга қарашли солиқ тўловчиларнинг сонини шарт-шароит, корхоналар фаолияти, корхоналар масштабини ҳисобга олган ҳолда қўл остидаги туманларда олиб боришади.

Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, «Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш»дан хар хил ёндашувлар талаб қилинади (мисол учун қишлоқ жойларидан шаҳарнинг ҳар хил жойларини билиш, ушбу ҳудуд яшовчиларининг солиқларига тааллуқли билимлар).

Маълумотларни газета, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш чора-тадбирлари бир-бирига яқин

бўлган солиқ инспекциялари ҳамкорлигида амалга оширилади. Бундай ҳамкорлик катта ҳудудларда кўп ўтказилади.

Япониядаги солиқ тушумларининг 70 фоизини юридик шахсларнинг фойда солиғи, декларация қилинадиган даромад солиғи, тўлов манбаидаги даромад солиғи ва талаб солиғи ташкил этади.

Декларация қилинадиган даромад солиқ 10 турга бўлади. Асосий декларация қилинадиган даромадлар – савдодан, қишлоқ хўжалигидан, асосий воситалар ижарасидан (1 970 000 киши).

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун «Тижоратни рўйхатга олиш китоби» йўқ. Шунинг учун солиқ органлари якка тартибдаги тадбиркорлар шароитини билиш учун уларнинг манзилларини аниқлаштиришади. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган маълумотларга ҳам кўп нарса боғлиқ.

Даромад солиғи тўловчилар катта миқдорни ташкил этади (42 570 000), бу шахслар солиқ органлари билан декларация тўлдириш ва солиқларни тўлашда рўпара бўладиган шахслар ҳисобланади. Булар тўлов манбаидан солиқ ушлаб қоладиган агентлар ҳисобланишади (ойлик тўловчилар, дивидендлар берувчилар, фойзалар берувчилар ва бошқалар)

Тўлов манбаидан солиқ ушлаб қоладиган агентлар, асосан, юридик ташкилотларнинг фойда солиғи ҳамда декларация қилинадиган даромад солиғи тўловчи юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, молия ташкилотлари ҳисобланишади.

Солиқларни декларация қиладиган шахслар орасидан кўплари ортиқча тўланган солиқни орқага қайтариш учун декларация тўлдиришади (улар сони 2005 йилда 11 960 000 кишини ташкил қилган).

Ҳар ойда маошдан ушлаб қолинадиган даромад солиғи суммаси бир йил давомида тўланадиган миқдордан ошиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Солиқ тўлаш жараёнлари нуқтаи назаридан, Япония солиқ тўловчиларини 3 турга ажратиш мумкин.

Биринчи тури, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар. Улар доимий хўжалик фаолияти билан шуғулланишади ва ҳар йили (хўжалик йили) декларация топширишади. Лекин булардан камида 5 млн. таси юридик шахсларнинг даромад ва фойда солиғи тўловчилари солиқ манбаидан солиқ ушлаб қоладиган



агентлар ҳисобланади. Уларнинг улуши Япония солиқ тушумларининг ярмини ташкил этади.

Иккинчи тури, солиқ манбаидан солиқ ушлаб қоладиган солиқ тўловчилар. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақидан, дивидентлардан даромад олувчи ва ундан даромад солиғи тўловчи хизматчилар ҳисобланади, ҳамда ушбу гуруҳга Япония фуқароларининг катта қисми киради.

Учинчи тури, ортиқча тўланган солиқни қайтариб беришни сўраб декларация тўлдирган индивидуал солиқ тўловчилар. Ушбу гуруҳга кирувчи солиқ тўловчилар ҳар йили декларация тўлдириши шарт эмас. Даромад суммаси ошиши ёки камайиши, тизимдаги ўзгаришлар туфайли (пенсия билан боғлиқ ҳолатлар ва бошқалар) декларация тўлдирилади.

Бошқача қилиб айтганда, ортиқча тўланган солиқ суммасини қоплаб бериш бўйича топшириладиган декларациялар сони 10 миллионгани ташкил қилса-да, уларнинг маълумотлари ҳар сафар ўзгаради. Ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариб бериш бўйича топшириладиган декларациялар топширувчиларнинг асосий қисмини манбадан даромад солиғини тўловчилар ҳисобланади.

## **Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш**

Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш қуйидаги 5 та йўналишда олиб борилади:

1. Маълумотларни бевосита тақдим этиш.
2. Алоҳида аниқ бошқарув.
3. Охирги декларация топшириш мобайнида маълумотларни тарқатиш.
4. Солиқ маслаҳатчилари орқали маълумотларни тарқатиш.
5. Маълумотларни оддий усулда тарқатиш йўли.

Япония солиқ тизими маълум схема бўйича тузилмаган. Унинг ҳозирги ҳолати кўп йиллик изланишлар эвазига яратилган. Бундан ташқари, унга солиқ қонунчилигидаги ва жамиятдаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатиб келган.

Юридик шахслар орасида кичик масштабли корхоналар ҳам бор, уларнинг сотув ҳажми эса жуда кам. Индивидуал тадбиркорлар орасида эса катта корхоналари борлари мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги кичик корхоналар бўлиб, улар-

да фақат оила аъзолари ишлашади. Бундай тадбиркорлар солиқ маслаҳатчиларидан кам фойдаланишади. Улар кунлик мажбуриятлар билан банд. Уларнинг бухгалтерия ҳисоботларида аҳволни тўғри акс эттирмаслик тенденцияси кузатилади. Декларацияларни топшириш вақтида бундай кичик тадбиркорларга уларни тўғри тўлдириш учун кўп ҳолатларда ёрдам кўрсатишга тўғри келади. Бу эса солиқ органларининг солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишдаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг фойда ва истеъмол солиғи бўйича солиққа тортиш даври бу юридик шахснинг хўжалик йили ҳисобланади. Ҳар бир юридик шахснинг хўжалик йили ҳар қандай давр бўлиши мумкин (Бир йилдан ошиқ бўлмаган давр).

Юридик шахсларнинг фойда ва истеъмол солиқларини тўлаш ва декларацияларни тўлдириш даври хўжалик йили тугагандан сўнг 2 ойдан кейин бошланади. Даромад солиғини солиққа тортиш даври календарь йили ҳисобланади. Даромад солиғини тўлаш ва декларация тўлдириш муддати кейинги йилнинг 15 марти, истеъмол солиғини тўлаш ва декларация тўлдириш муддати эса 31 март деб белгиланган.

### **Солиқ тўлаш манбадан солиққа тортишни амалга ошириш жараёни**

Солиққа тортиш ишлари ҳамма ҳолатда тўлиқ манбадан солиқ ушлаб қолувчи агентлар томонидан амалга оширилади.

Бошқача қилиб айтганда, манбадан солиқ ушлаб қоладиган агентлар ушлаб қолинган солиқни солиқ органларига тўлаб беришади ва йил охирида ҳисоб-китоб қилишади. Шундай қилиб, улар сўнгги декларация тўлдириш ва солиқларни тўлашни маош кўринишида даромад олувчи солиқ тўловчилар томонидан амалга оширишади.

Маош кўринишида даромад олувчи солиқ тўловчилар амалга оширадиган жараёнлар оддий бўлиб, иш берувчига қуйидаги маълумотлар берилади:

- йил бошида маош берувчи иш берувчига юқорида келтирилгандек, маошдан бошқа ойлик оладими-йўқми шу тўғрисида маълумот бериши керак;

- йил охирида ишни тўғри йўлга қўйиш ва солиқ суммасини аниқлаш учун «Йиллик солиқ суммасидан ушлаб қолинадиган ҳаётини суғурта қилган сумма ва бошқалар», «Оиладагилар сони» ва «Маош кўринишида даромад олувчилар йиллик ҳисоботи» тузишда керак бўладиган маълумотлар бериш.

### **Солиқ маслаҳатчилари иштироки**

Солиқ маслаҳатчиларидан фойдаланиш корхоналар томонидан белгиланади. Солиқ маслаҳатчиларидан фойдаланиш учун шартнома тузиш (ишонч шартномаси) ва бу хизматлар учун ҳақ тўлаш керак. Бунда корхоналар катта ва маълум капиталга эга бўлиши керак.

Ассосан, солиқ маслаҳатчиларидан юридик ва индивидуал тадбиркорлар фойдаланишади, кичик тадбиркорлар эса бундай хизматлардан фойдаланишга қийналишади.

Солиқ маслаҳатчиларининг асосий иши:

1) солиқ тўловчининг вакили сифатида солиқ органларида улар номидан иш юритиш;

2) солиқ ҳужжатларини тузиш;

3) солиқ текширувларида уларнинг иштироки кузатилса-да бундай ёрдамнинг шакли турлича бўлиши мумкин.

Одатда, кунлик бухгалтерия ишларини юритиш, молиявий ҳисобот ва солиқ декларациясини тузиш бошқаришга тааллуқли маслаҳатларни бериш учун тузилади. Қандай хизмат кўрсатишдан қатъи назар, солиқ тўловчилар солиқ маслаҳатчиларининг профессионал билимлари ва қонуний статусидан фойдаланишади. Бу ўз-ўзидан солиқ органлари учун ҳам фойдали, чунки бунда декларациялар тўғри тўлдирилган ҳолда, солиқлар ҳам ўз вақтида тўланади.

### **Хусусий ташкилотлар**

Япониядаги солиқ органлари солиқлар тўғрисидаги маълумотларни тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларга эмас, балки кўк декларация ассоциацияси ҳисобланмиш хусусий тадбиркорлар орқали етказишади. Бундай хусусий корхоналар ўз аъзоларига семинар ўтказишдан ташқари, солиқ ҳафталигида турли тадбирлар ўтказиб, улар орқали электрон декларация тўлдириш, қонун-

чиликдаги истемол солиғи бўйича ўзгаришларни тушунтириш билан шуғулланишади. Қуйида ҳар бир ташкилот ҳақида қисқача маълумот берилади.

### **Кўк декларация ассоциацияси**

Ассоциациянинг асосий мақсади, кўк декларация тизимини тарқатиш ва декларацияларда ҳаққоний акс эттиришдан иборат. Ассоциация таркиби, асосан, кўк декларация тақдим этадиган индивидуал тадбиркорлардан иборат.

2006 йилда Япония бўйича 4 100 та бўлим бўлиб, уларнинг аъзолари сони 1 070 000 кишини ташкил этди.

### **Юридик шахслар ассоциацияси**

Ташкилотнинг мақсади солиқ билимларини тарқатиш ва бухгалтерия ҳисобига тааллуқли китобни юрийтиш ҳисобланади. 2006 йилда мамлакат бўйича 483 та бўлим мавжуд бўлиб, аъзолар сони эса 1 120 000 юридик шахсдан иборат эди.

### **Божхона ассоциацияси**

Бу ассоциациянинг асосий мақсади, декларация тўлдиришда ҳаққоний солиқ тўлаш тизимини ҳаётга тадбиқ қилиш, солиқ билимларини такомиллаштириш орқали солиқларни тўлаш ва декларация тўлдириш каби ишларни амалга ошириш учун солиқ ишига ўз ҳиссасини қўшишдан иборат. 2006 йилда мамлакат бўйича 560 та ташкилот мавжуд бўлиб, аъзолари сони 102 000 кишини ташкил этган.

### **Солиқ тўлаш ассоциацияси**

Солиқ билимларини тарқатиш билан шуғулланади. Асосий мақсади декларация тўлдириш ва солиқларни тўлашни ҳаракатлантиришга эришиш, солиқ тўлашга тааллуқли тушунчаларни оширишдир. Бундай ассоциациялар Осакадаги Давлат солиқ департаментининг ҳар бир инспекциясида ташкил этилган. Осакадаги Давлат солиқ департаментининг юрисдикцияси билан бирга, солиқ тўлаш жамиятлари федерациялари сони 83 тани таш-

кил этади. Аъзолари сони юридик ва жисмоний шахслар билан бирга ҳисоблаганда 290 000 кишидан иборат.

### **Солиқларни тўлаш учун маблағларни йиғиш ассоциацияси**

Бу ассоциация солиқларни ўз вақтида тўлашда йиғилган маблағлардан фойдаланиш учун тузилган. Ассоциациялар қонун асосида тузилган бўлиб, ҳозирги кунда бундай ассоциациялар сони 78 мингтани ташкил этади.

### **ЯПОНИЯ СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ТИЗИМИ**

#### **Солиқ маслаҳатчилари иштирокини тушунтириш**

Японияда солиқ маслаҳатчилари тизими, асосан, икки жиҳати билан эътиборни ўзига жалб қилади. Биринчидан, Японияда амалда қўлланилаётган солиқларни ихтиёрий равишда декларация орқали тўлаш тизимини аниқ ва пухта амалга оширишга ёрдам беради. Иккинчидан, Япония солиқ тизимида олиб борилаётган илмий ишлар такомиллашувига ҳамжиҳатлик қилади.

Солиқ маслаҳатчилари – бу профессионал мавқе бўлиб, солиқларни белгиланган тартибда ҳисоблаш ва тўлаш мақсадида, қонунчилик асосида бириктирилган ҳуқуқдан фойдаланиб, солиқ маслаҳати фаолиятини олиб боришдир. Японияда солиқ маслаҳатчилари ўз фаолиятини солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги мустақил шахс сифатида амалга оширади. Солиқ маслаҳатчининг ушбу шакли фақат санокли мамлакатлар амалиётида учрайди.

Ривожланган мамлакатлар ичида Япония, Германия ва Францияда солиқ маслаҳатини бериш фақат махсус сертификатга эга бўлган шахсларга монопол тарзда шуғулланиш ваколоти ва ҳуқуқи берилган. Мисол учун, Францияда солиқ билан боғлиқ масалаларда малакали ёрдам бериш монопол равишда адвокатлар ва профессионал аудиторларга берилган. Фақатгина Япония ва Германияда адвокатлар ва профессионал аудиторлардан ташқари, солиқ масалалари бўйича ёрдам кўрсатиш учун яна бир алоҳида гуруҳ вакиллари бўлмиш солиқ маслаҳатчиларига рухсат этилади. АҚШ ва Канадада ҳар қандай шахс яъни адвокат

ёки аудитор бўлишидан қатъи назар, бошқа шахснинг мурожаатига кўра, солиқ маслаҳатини бериши ёки солиққа оид ҳужжатларни тўлдиришда ёрдам кўрсатиш фаолиятини юритиши мумкин.

Японияда солиқ маслаҳатчиларига хос бўлган яна бир жиҳат, бу уларнинг нейтраллигидир. Солиқ маслаҳатчилари аввало, жамият манфаатларига хизмат қилиши, яъни солиқларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш принципларига риоя қилиши, шу билан бир қаторда мустақил воситачи бўлиб қолиши лозим.

### **Японияда солиқ маслаҳати тизимини ташкил этиш мақсадлари**

Маълумки, ҳар қандай мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бевосита солиқ тизими такомиллашуви, солиқ тўловчилар сонининг ошиши билан боғлиқ олиб келади. Бу авваламбор, солиқларни белгиланган муддатда тўғри ва тўлиқ тўлаш жараёнини ҳам солиқ органлари, ҳам солиқ тўловчилар учун қийинлаштиради. Ушбу фикрнинг яққол тасдиғи сифатида Японияни олиш мумкин.

Япония солиқ тизимининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1887 йил жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи жорий қилинган бўлиб, дастлаб мазкур солиқ тўловчилар сони нисбатан унча кўп бўлмаган ва улар якка тартибдаги тадбиркорлардан ташкил топган. Ушбу солиқнинг жами солиқ тушумларидаги салмоғи ҳам унча кўп бўлмай, давлат даромадига асосий тушумлар деҳқонлар томонидан тўланадиган ер солиғи ҳиссасига тўғри келган. Ўша даврларда ер солиғини ундириш унчалик қийинчилик туғдирмаган.

Аммо мамлакат ҳаётининг кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида солиқ тизими бирмунча мураккаблашиб, солиқ тўловчилар сони ҳам кескин ошди. Натижада, солиқ тўловчиларда солиқ муносабатлари бўйича махсус билимга эга бўлган шахслар хизматидан фойдаланиш эҳтиёжи пайдо бўла бошлади. Бундан ўз навбатида, солиқ органлари ҳам манфаатдор эди, чунки мазкур хизматларнинг кўрсатилиши солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришга, қолаверса солиқ маъмурчилиги ривожланишига олиб келар эди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мамлакатда иккинчи жаҳон урушидан кейин солиқларни ихтиёрий равишда декларация орқали тўлаш тизими қабул қилинди. Натижада, 1951 йилда Японияда солиқ маслаҳатчилари тизими жорий қилинди.

### **Монополия, тартибга солиш ва назорат**

Япония солиқ маслаҳатчилари тизимини тушуниш учун икки масалага эътибор бериш лозим. Бу, биринчидан, солиқ маслаҳатчилари фаолиятининг монопол характерга эга эканлиги ва иккинчидан, ушбу монопол мавқедан фойдаланиб, турли суистемолчиликларнинг олдини олиш мақсадида, давлат томонидан тартибга солиш ва назорат олиб боришдир.

Японияда солиқ маслаҳатчилари фаолияти “Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Мазкур Қонунга кўра, солиқ маслаҳати бериш фаолияти билан фақат солиқ маслаҳатчиси статусига эга бўлган шахсларгина шуғулланишлари мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси статусини фақатгина қуйидаги шахслар олиши мумкин:

- 1) солиқ маслаҳатчиси аттестати учун малака имтиҳонини муваффақиятли топширган шахслар;
- 2) адвокатлар;
- 3) аудиторлар;
- 4) солиқ маслаҳатчиси аттестати билан малака имтиҳони топширишдан озод қилинган шахслар.

*1) солиқ маслаҳатчиси аттестати учун малака имтиҳонини муваффақиятли топширган шахслар;*

Ўз-ўзидан маълумки, солиқ маслаҳатчиси аттестати учун малака имтиҳонини муваффақиятли топширган шахсларга солиқ маслаҳатчиси статуси берилади:

- 2) адвокатлар;*

Адвокатларнинг ушбу рўйхатга киритилишига сабаб, улар ҳуқуқ соҳасида, шу жумладан солиқ ҳуқуқи бўйича ҳам профессионал билимга эга бўлган шахслардир. Табиийки, уларга солиқ маслаҳатчиси статусини бериш мумкин. Худди шундай ҳолат Буюк Британия, АҚШ, Франция, Германия, Канадада мавжуд. Аммо Японияда адвокатлар сони жуда кам бўлганлиги сабабли, улар мамлакатда мавжуд солиқ тўловчилар эҳтиёжини тўла қон-

дириш имкониятига эга эмас. Шундан келиб чиқиб, солиқ мас­ла­ҳатчиларига ушбу етишмовчиликни тўлдириш вазифаси юк­латилган.

### *3) аудиторлар;*

Булар бухгалтерия ҳисоби бўйича умумий билимга, шу жум­ладан, солиқ ҳисоби бўйича ҳам профессионал билимга эга бўлган шахслардир. Демак, уларга ҳам солиқ мас­ла­ҳатчиси ста­тусини бериш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Япо­нияда аудиторлар сони камчиликни ташкил этади. Бу ҳам мамла­катда солиқ мас­ла­ҳатчилари институтини жорий қилишга ундай­диган сабаблардан бири ҳисобланади.

*4) солиқ мас­ла­ҳатчиси аттестати учун малака имтиҳони топиришидан озод қилинган шахслар.*

Япония тажрибасининг яна бир муҳим жиҳати шундан иб­ратки, солиқ хизмати органларида маълум бир муддатда ишла­ган шахслар ёки аспирантурада тегишли таълим олган шахслар ҳам солиқ масалалари бўйича мас­ла­ҳат бериш фаолияти билан шуғулланишлари мумкин.

Солиқ мас­ла­ҳатчилари қуйидаги фаолият турларини амалга оширадилар:

#### **1) солиқ вакиллиги**

Бунда нафақат солиқ декларациялари учун ҳужжатларни тай­ёрлаш ва тақдим этиш, балки солиқ органларига солиққа оид масалаларда солиқ тўловчи номидан талаблар ва мурожаатлар қилиш учун рухсат берилади. “Солиқ мас­ла­ҳатчилари тўғриси­да”ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга асосан уларга 2002 йил 1 апрелдан бошлаб, суд муассасаларида солиқ тўловчининг ёрдамчиси сифатида иштирок этиш ва ариза бериш ваколатлари ҳам берилди.

#### **2) солиққа оид ҳужжатларни тайёрлаш**

Ушбу фаолият тури амалдаги солиқ қонунчилигига асосан солиқ декларацияларини ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва солиқ органларига тақдим этишни ўз ичига олади.

#### **3) солиқ консултацияси**

Солиқ консултацияси ўз ичига солиқ базасини тўғри белги­лаш, чегирмаларни тўғри қўллаш, тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ҳисоблаб чиқиш каби жараёнларни ўз ичига ола­ди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вақтинча молиявий қи­йинчиликларни бошидан кечираётган солиқ тўловчиларга бепул



ёки арзон тарифларда хизмат кўрсатилади. Бундан ташқари, бепул маслаҳатларни оддий саволлар бўйича олиш ёки солиқ декларациялари топширилиши мавсумида ташкил қилинадиган махсус марказлар хизматидан фойдаланиш мумкин.

“Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги Қонунга асосан солиқ маслаҳатчилари томонидан ўз вазифаларини тўғри бажариши устидан назорат ўрнатиш мақсадида, Солиқ маслаҳатчилари Ассоциацияси ва ушбу ассоциацияларнинг Умуммиллий Федерацияси ташкил этилган. Солиқ маслаҳатчиси сифатида рўйхатдан ўтган шахс автоматик равишда ассоциациянинг аъзосига айланади. Ассоциация устав шартларини бузган аъзоларига нисбатан тегишли чоралар кўради.

Бундан ташқари, солиқ маслаҳатчилари ва уларнинг ассоциациялари Молия вазирлиги томонидан ҳам назорат қилинади.

## **Солиқ маслаҳати аттестати олиш учун малакавий имтиҳон**

Имтиҳон асосан қуйидаги икки фан бўйича ўтказилади:

1) *Солиқ ҳуқуқи фанлари;*

2) *Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанлари.*

Солиқ маслаҳатчиси аттестатини олиш учун жами 5 та фандан, яъни солиқ ҳуқуқи бўлимидан 3 та, бухгалтерия ҳисоби назариясидан 2 та фандан имтиҳон топшириш керак. Шунингдек, имтиҳонни ҳар бир фан бўйича алоҳида-алоҳида топшириш учун ҳам рухсат берилади.

1) *Солиқ ҳуқуқи фанлари;*

Қуйидаги 9 та фандан 3 тасини муваффақиятли топшириш шарт.

- “Даромад солиғи тўғрисида”ги Қонун;

- “Фойда солиғи тўғрисида”ги Қонун;

- “Мерос солиғи тўғрисида”ги Қонун;

- “Истеъмол солиғи тўғрисида”ги Қонун;

- “Алкогол маҳсулотларга акциз солиғи тўғрисида”ги Қонун;

- “Давлат солиқларини ундириш тўғрисида”ги Қонун;

- “Яшаш жойи солиғи тўғрисида”ги Қонун;

- “Тадбиркорлик солиғи тўғрисида”ги Қонун;

- “Асосий воситалар солиғи тўғрисида”ги Қонун.

Таъкидлаш жоизки, танланган 3 та фаннинг камида биттаси мажбурий тарзда “Даромад солиғи тўғрисида”ги Қонун ёки “Фойда солиғи тўғрисида”ги Қонун бўлиши лозим.

2) *Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанлари.*

Бу бўлим бўйича икки фандан имтиҳон топшириш мажбурий ҳисобланади, булар “Ҳисоблаш назарияси” ва “Молиявий ҳисоботлар назарияси”.

**Имтиҳонлардан озод этиш**

Япония солиқ маслаҳати тизимининг яна бир ўзига хос томони шундаки, унда малакавий имтиҳондан озод қилиш имконияти мавжуд.

Солиқ соҳасида маълум тажрибага эга бўлган шахслардан имтиҳон олиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Бу амалиёт қуйидаги тартибда амалга оширилади:

*-маълум бир фанлардан топшириладиган имтиҳонлардан озод қилиш;*

*- имтиҳондан бутунлай озод қилиш.*

Малака имтиҳони таркибидаги маълум фанларни топширишдан озод бўлиш имкониятига қуйидагилар эга:

1) *Илмий унвонга эга бўлганлар;*

Магистр даражасига эга бўлган шахс, агар магистрлик ишининг мавзуси имтиҳоннинг “Солиқ ҳуқуқи” фанига мос келса, мазкур йўналиш бўйича 3 та фан ўрнига 1 та фандан имтиҳон топширишлари мумкин.

Худди шунингдек, магистрлик иши мавзуси “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фани билан яқин келадиган магистрлар ҳам 3 та фан ўрнига 1 та фандан имтиҳон топширишларига рухсат берилади. Бундай амалиётнинг жорий қилиниши солиқ ва бухгалтерия ҳисоби йўналиши бўйича илмий ишлар кўламини кенгайтиришга ва кишиларни ҳуқуқ ва бухгалтерия ҳисобини ўрганишга рағбатлантиради.

Солиқ маслаҳати бўйича ўтказиладиган имтиҳонлардан давлат солиқ хизматида узоқ йил хизмат қилган мутахассислар озод қилинади. Хусусан, давлат солиқ хизматида 10 йил давомида айнан битта солиқ тури бўйича, масалан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича уни ҳисоблаш ва ундириш фаолияти билан шуғулланган бўлса, “Солиқ ҳуқуқи” фанидан имтиҳонларни топширишдан озод қилинади. Агар ходимнинг иш стажи давлат солиқ хизматида 23 йил ва ундан кўпроқни, шундан 5 йили назорат-гафтиш бўлимларида бўлган бўлса, унда “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фани бўйича имтиҳонлардан озод этилади. Шундай қилиб, давлат солиқ хизматида 23 йил фаолият

юритган ходим автоматик равишда солиқ маслаҳатчиси статусини олади.

Давлат солиқ хизматида етарли тажрибага эга бўлган шахсларни малакавий имтиҳонлардан озод қилиш механизми солиқ маъмурчилиги жиҳатидан қатта афзалликларга эга. Бу қуйидагиларда намоён бўлади. **Биринчидан**, “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фани имтиҳонидан автоматик равишда озод бўлиши учун ходимлар Консультатив совет томонидан ўрнатилган давлат солиқлари бўйича курсда ўқишлари лозим. Мазкур курслар имтиҳон талабларига жавоб бериши учун унинг ўқув дастури мазмунли ва профессионал даражада билим бериш имкониятига эга бўлиши талаб қилинади. Натижада, ўқув курсларининг ташкиллаштирилиши давлат солиқ хизмати идораларида профессионал тайёргарлик сифатини оширишга олиб келади. Бу ўз навбатида, ходимларнинг профессионал билим савиясини яхшилайти ва давлат солиқ хизмати сафига билимли кадрларни жалб қилишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Япония солиқ маслаҳати тизимида қуйидаги 3 та асосий жиҳатларни алоҳида ажратиш мумкин:

1) Солиқ масалалари бўйича мутахассисларнинг солиқ муносабатлари билан боғлиқ ҳолатларда нейтрал позицияда бўлиши жамоат ичида солиқ маъмурчилигини тартибли ва сифатли ташкил этиш имкониятини беради;

2) Давлат солиқ хизмати ходимларини малакавий имтиҳонлардан озод қилиш тизими солиқ хизмати ходимларининг амалий тажрибасини тан олишга ва жамоатчилик фикрини қозонишга ёрдам беради;

3) Аспирантурада тегишли таълим олган шахсларни малакавий имтиҳон фанларининг баъзиларидан озод қилиш амалиёти солиқ тизимида илмий изланишлар олиб борилишини янада рағбатлантиради.

## Фойдаланилган адабиётлар

### Ўзбекистон Республикаси қонунилари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.– Т.: «Адолат», 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, 1997 йил 30 август. // Халқ сўзи.
5. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 52-сон, 2009.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги 2006 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-55-сонли Қонуни.
7. «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-242-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 52-сон, 2009.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, фармонлари ва қарорлари

1. **Каримов И.А.** Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2010.
2. **Каримов И.А.** «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т.: «Ўзбекистон», 2009.
3. **Каримов И.А.** «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди». Т.13. –Т.: «Ўзбекистон», 2005 .
4. **Каримов И.А.** Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2005.
5. **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.
6. **Каримов И.А.** Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11 – Т.: «Ўзбекистон», 2003.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ тизими органлари фаолиятини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1257-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги №1245-сонли Қарори. Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2010 йил №1(43).

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли Қарори.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 55-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларга идентификацион рақам бериш ва ундан фойдаланиш тартиби» тўғрисида»ги 130-сонли қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги» Низом.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари**

4. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 17 декабрда 1750-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 107, 64-сон қарори билан тасдиқланган.

5. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 17 декабрда 1749-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 108, 63-сон қарори билан тасдиқланган.

## Махсус адабиётлар

1. **Жўраев А.** Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. –Т.: «Фан», 2004.
2. **Завалишина И.А.** Солиқлар: назария ва амалиёт: Ўқув қўлланма. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005.
3. **Йўлдошев М., Турсунов Й.** Солиқ ҳуқуқи. – Т.: «Молия», 2000.
4. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. / А.Жўраев, Ш.Тошматов, О.Абдураҳманов. –Т.: «Norma» нашриёти, 2009.
5. **Тошматов Ш.А.** «Корхоналарни ривожлантиришда», солиқлар роли. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008.
6. **Маликов Т.** «Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари», –Т.: «Академия», 2002.
7. **Гагаулин Ш.Қ.** Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: Давлат солиқ қўмитаси, 1996.
8. An Out Line of Japanese taxes system. 2001-2002 Edition. Tax Bureau, Ministry of Finance. Tokyo. Japan. P. 390.
9. An Out Line of Japanese TAX ADMINISTRATION 2003.
10. Let's talk about Taxes. Ministry of Finance, Japan. October 2006.
11. Guide to Japanese tax 2006-2007 by Yugi Gomi. Zaikai Shoho Sha. Higashi Shombashi. Minatoku. Tokyo. Japan. P. 444.

## Интернет манбалари

1. <http://www.soliq.uz//>
2. <http://www.norma.uz//>
3. <http://www.nta.gov.jp//>
4. <http://www.nalog.ru//>
5. <http://www.gov.uz//>
6. <http://www.pravo.uz//>

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1-бўлим. Ўзбекистонда солиқ тўловчилар билан ишлаш ва солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари .....	5
2-бўлим. Солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш ва ягона реестрини юритиш .....	28
3-бўлим. Солиқ тўловчилар томонидан ҳисобланган ва тўланган солиқларнинг солиқ идораларида ҳисобини юритиш .....	44
4-бўлим. Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш .....	57
5-бўлим. Ўзбекистонда солиқ маслаҳати хизматининг вужудга келиши ва шаклланиши .....	63
6-бўлим. Солиқ тарғиботи ва солиқ тўловчилар билан ўтказилган сўровномалар натижалари .....	79
7-бўлим. Солиқ тўловчилар билан ишлашнинг Япония тажрибаси .....	91
Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш .....	97
Солиқ тўлаш манбаидан солиққа тортишни амалга ошириш жараёни .....	98
Солиқ маслаҳатчилари иштироки .....	99
Хусусий ташкилотлар .....	99
Япония солиқ маслаҳатчилари тизими .....	101
Фойдаланилган адабиётлар .....	108

*Илмий-услубий нашр*

## **СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ**

*Ўқув қўлланма*

Муҳаррир  
Гавҳар МИРЗАЕВА

Тех. муҳаррир  
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга \_\_.10.2010 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 3,5. Шартли босма тобоғи \_\_.

Гарнитура «LexTimes Cug+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади \_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: [yangiasravlod@mail.ru](mailto:yangiasravlod@mail.ru)

Ҳамкоримиз: *kitobxon.uz*